



1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№32-33, 2021-yil 25-avgust,
chorshanba (32.675)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik — davlatning burchi

O'zbekiston ovozi



4 киши «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди


Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони асосан

Аҳмедов Муҳаммад Исматович —
Бухоро вилояти «Маданият Муҳаммад
Исмаилов» фермер хўжалиги раҳбари;

Аюпов Шавкат Абдуллаевич —
Ўзбекистон Фанлар академиясининг
Математика институти директори;

Ғофуров Иброҳим Усмонович —
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси;

**Йўлчиева Мунोजотхон Абдува-
лиевна** — Ўзбекистон давлат консер-
ваторияси кафедра мудирига
мамлакатимизнинг энг юксак унво-
ни — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони
берилиб, олий нишон — «Олтин юл-
дуз» медали топширилади.



БИЗНИНГ ФРАКЦИЯ ҲУКУМАТГА ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

МАЪЛУМОТЛАРГА ҚўРА,
БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР
ИЖТИМОЙ ВА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛЛИК
ДАСТУРИ ДОИРАСИДА 703 ТА
ОБЪЕКТНИНГ ЛОЙИҲА-СМЕТА
ҲУЖЖАТЛАРИ ТАЙЁРЛАНИШИ
ЯКУНЛАНМАГАН, 1127 ТАСИ
БЎЙИЧА ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИ
ОЛИНМАГАН, 413 ТА ОБЪЕКТ
БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ
ОХИРИГА ЕТКАЗИЛМАГАН.

ШУНЧА ОБЪЕКТДА ҚУРИЛИШ
ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ
ЎЎНГАРЧИЛИК КУНЛАРГА ҚОЛИБ
КЕТИШИ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ
СИФАТИГА САЛБИЙ ТАЪСИР
ҚЎРСАТАДИ.

XVI ёзги паралимпия ўйинлари бошланди

24 август куни Токиодаги "Олимпия" стадионида XVI ёзги паралимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Дунё халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик алоқаларини
мустаҳкамлаш, соғлом рақобат тамойилларини ривожлантиришда
спорт мусобақалари, хусусан олимпия ўйинларининг аҳамияти
бекиёс. Жаҳонда юз бераётган мураккаб эпидемиологик вазиятга
қарамаддан XXXII ёзги олимпия ўйинларини юксак савияда ташкил
этган Япония бугун яна олам аҳлининг нигоҳини ўз майдонларига
қаратди.

Токиодаги "Олимпия" стадионида XVI ёзги паралимпия ўйинла-
рининг тантанали очилиш маросими ўтказилди. Унда 162 давлат-
нинг матонат ва ирода тимсоли бўлган параспортчилари "Бизнинг
қанотларимиз бор" шиори остида ўз мамлакатлари байроғини
бирин-кетин олимп стадиони узра олиб ўтишди. Жонажон Ватани-
мизнинг байроғини эса параканое бўйича жаҳон чемпиони Шаҳноза

Мирзаева ҳамда пара атлетчимиз Муҳаммад Рихсимов Токио майдон-
ида баланд тутиб, Ўзбекистон номини улуглади.

Бугундан паралимпиянинг мурасисиз баҳсларига старт берилди.
Илк мусобақалар парасузувчилар ўртасида 100 метрга баттерф-
ляй усулда сузиш бўйича ўтказилади.

Паралимпия ўйинларининг ушбу йўналишида мамлакатимиз
спортчиларидан Шоҳсанамхон Тошпўлатова, Нигора Мирзоҳидова,
Муслима Одилова қизлар баҳсларида иштирок этса, Ислам Асланов
ва Музаффар Турсунхўжаев ўғил болалар ўртасидаги мусобақалар-
да Ватанимиз шарафини ҳимоя қилади.

Эслатиб ўтаёмиз, XVI ёзги паралимпия ўйинларида дунёнинг 4400
спортчиси 22 спорт туридаги медаллар жамланмаси учун кураш
олиб боради. Мамлакатимизнинг 48 нафар иродали параспортчиси
эса 8 спорт турининг 55 йўналишдаги совринли ўринларга даъво-
гарлик қилмоқда. Вакилларимизга кунчиқар юртдаги мурасисиз
баҳсларда омад тилаймиз.

ЎЗА



Инновацион ривожланиш вазирлиги кўмагида ёш
тадқиқотчилар томонидан аэростат стратосферага учирилди.
Ўзбекистон давлат байроғи Ердан 46 минг метр
баландликка кўтарилди.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 30 йиллиги муносабати
билан учирилган давлат байроғи 4 соат парвоз қилиб,
стратосферага чиққан.

«O'ZAGROSERVIS»

акциядорлик жамияти жамоаси

муҳтарам Юртбошимиз бошчилигида
мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик
ишларига ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидан
мамнун. «ЎЗАГРОСЕРВИС» АЖ жамоаси юртимиз
равнақи, унинг тараққиёти, фаровонлиги йўлида
бундан буён ҳам бор куч-гайратини ишга солади.
Серқуёш лиёриимизнинг азият гўшаларида истиқомат
қилаётган барчанинг ишларида омад ва зафарлар
ёр бўлсин.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллик
байрами бутун Ўзбекистон халқига
муборак бўлсин.

Фракциямиз Давлат бюджети маблағларини ишлатиш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

БИЗНИНГ ФРАКЦИЯ

ҲУКУМАТГА ЎЗ ПОЗИЦИЯСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ



ҲУКУМАТНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА ПАРЛАМЕНТДАГИ ҲИСОБОТЛАРИ ТОБОРА ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА. КЕЧА ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН МУҲОКАМАЛАРНИНГ ЯКУНЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ПОЗИЦИЯСИНИ ФРАКЦИЯ РАҲБАРИ УЛУҒБЕК ИНОЯТОВ МАЪЛУМ ҚИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил биринчи ярим йиллик яқунлари ижроси бўйича ҳисобот Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида таҳлилий ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда пандемия шароитида иқтисодиётни тиклаш, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий соҳага ажратилаётган маблағларнинг самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотларни Халқ демократик партияси фракцияси ижобий баҳолайди.

Ҳисоботнинг тузилишида, ўтган ҳисоботлар билан солиштирилганда, қатор ижобий ўзгаришларга эришилган. Бюджет ижроси таъминланмаган вазирликлар бўйича сабаблар аниқ изоҳлар билан кўрсатиб ўтилган.

Фракциямиз амалга оширилаётган ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, Давлат бюджети ижроси бўйича бартараф этилиши зарур бўлган бир қатор масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайди.

Биринчидан, Инвестиция дастурига киритилган объектларни тоифаларга бўлиб, ҳисоботини

юритиш зарур. Яъни, йил бошида тасдиқланган Инвестиция дастурига қўшилиб борган объектларни алоҳида ҳисобга олишни йўлга қўйиш керак.

Иккинчидан, депутатларимизнинг жойлардаги ўрганишларида «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари бўйича ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш масалаларида саволлар ва асосли шикоятлар билдирилапти.

Маълумотларга кўра, бугунги кунга қадар ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш йиллик дастури доирасида 703 та объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши яқунланмаган, 1127 таси бўйича экспертиза ҳулосалари олинмаган, 413 та объект бўйича тендер савдолари охирига етказилмаган.

Шунча объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари ёгингарчилик кунларга қолиб кетиши лойиҳаларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Халқ демократик партияси фракцияси «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари бўйича ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Учинчидан, аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган маблағлар айрим вазирликларнинг масъулиятсизлиги туфайли ишлатилмасдан қолимоқда.

Фракциямиз ҳукуматдан Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларидан ажратилган маблағларнинг ишлатилмаслик ҳолатларини чуқур ўрганиб чиқиш, келгусида ушбу ҳолатларга барҳам бериш бўйича тегишли чоралар кўришни сўрайди.

Хусусан, бюджет ижросини таъминлашда ҳар бир вазирлик ва ташкилотларининг масъулиятини ошириш чораларини кўриш зарур.

Тўртинчидан, ҳукумат ҳисоботида келтирилган маълумотга кўра, бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назорат қилиш борасида муаммолар сақланиб қолимоқда. Мақсадсиз ишлатиш ҳолатлари камайиш ўрнига кўпаймоқда. Мазкур йўналишда жойларда тезкор амалиёт олиб борадиган фаолиятни йўлга қўйиш зарур.

Фракциямиз Давлат бюджети маблағларини ишлатиш тизимини такомиллаштириш зарур, деб ҳисоблайди.

Халқ демократик партияси мамлакатимиздаги ижтимоий йўналтирилган ислохотларни амалга ошириш жараёнида ўзининг депутатлик корпуси орқали фаол иштирок этишини маълум қилади.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
У ЁКИ БУ
НОМЗОДНИ
КЎРСАТИШ
ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗ
ҚАРОРИНИ БЕКОР
ҚИЛИШГА ҲАҚЛИМИ?



СИЁСИЙ ПАРТИЯ У ЁКИ БУ ШАХСНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ЭТИБ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДАГИ ЎЗ ҚАРОРИНИ САЙЛОВГА КЕЧИ БИЛАН 7 КУН ҚОЛГАНИДА БЕКОР ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА, БУ ШАХС МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛИК МАҚОМИДАН МАҲРУМ ЭТИЛИШИ МУМКИН.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ МУДДАТИ ТУГАГУНИГА ҚАДАР МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА ЯНГИ КОМИЗОДНИ РЎЙХАТНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА ТАКЛИФ КИРИТИШИ МУМКИН.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА
НОМЗОДЛАРНИНГ
САЙЛОВОЛДИ
ТАШВИҚОТЛАРИ ҚАНДАЙ
ТАРТИБДА АМАЛГА
ОШИРИЛАДИ?




БУНДА ДАСТЛАБ САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИНГ МАЪНОСИНИ БИЛИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. ҚОНУНЧИЛИККА КЎРА, САЙЛОВ ТАШВИҚОТИ БУ САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ ДАВРИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ВА САЙЛОВЧИЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДНИ ЁҚЛАБ ОВОЗ БЕРИШГА УНДАШГА ҚАРАТИЛГАН ФАОЛИЯТ ҲИСОБЛАНАДИ.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН РЎЙХАТГА ОЛИНГАН КУНДАН ЭЪТИБОРАН БОШЛАНАДИ.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДНИНГ ДАСТУРИ ВА САЙЛОВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ УНИ ЁҚЛАБ ОВОЗ БЕРИШГА ДАЪВАТ ЭТГАН ҲОЛДА ТАРҚАТИШ, ОММА ОЛДИДА МУНОЗАРАЛАР, БАҲСЛАР, МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ, ИНТЕРВЬЮЛАР, СЎЗГА ЧИҚИШЛАР, САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ ВА НОМЗОД ТЎҒРИСИДАГИ РОЛИКЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАКЛИДА ОЛИБ БОРИЛИШИ МУМКИН.

КЕЙИНГИ КУНЛАРДА ИЖТимоий тармоқларда умумтаълим мактабларидаги кадрлар бўйича менежерларнинг ойлик маошлари камайитириб ёзилаётгани борасидаги фикрлар кўпайиб бормоқда. Ўзи ушбу вазифада фаолият олиб бораётган ходимлар қанча ойлик олиши керак? Уларнинг иш ҳақи разрядлари миқдори қанча?

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ:



10 МИНГГА ЯҚИН ХОДИМ НЕГА КАМ ОЙЛИК ОЛЯПТИ?..

Бу каби саволлар кўплаб мулоҳазаларга сабаб бўлмоқда. Негак, мактаблардаги кадрлар бўйича менежерлар ҳанузгача иш ҳақи разрядларини билмайди. Шу сабабдан қанча ойлик иш ҳақи ёзилса, шунга қаноатланиб, ишлаб келмоқда.

Шу ўринда яна бир савол туғилади. Бу вазифа қачон жорий қилинди?

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2019 йил 28 декабрдаги 406-сонли буйруғи билан "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари" тасдиқланган. Ушбу буйруқнинг 1-илоvasи 6-қаторига кўра кадрлар бўйича менежер лавозими жорий қилинган.

Мазкур буйруқ Молия, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари билан ҳам келишилган.

Яъни, бу тартиб кеча ёки бугун эмас, 2019 йилнинг декабрь ойидан жорий қилинган. Мазкур лавозим кенг тарқалган лавозимлар қаторида тасниф этилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига сақланадиган ташкилотларда "кенг тарқалган лавозимлар" деган тушунча мавжуд.

"Кенг тарқалган лавозимлар" номи ва улар учун тўланадиган иш ҳақи разрядлари миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Меҳнат бозорида меҳнат муносабатларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 743-сонли қарорининг 4-илоvasига асосан белгиланган. Унга кўра, олий маълумотли муҳандислар, мутахассислар ва инспекторларга 7-разряд, олий маълумотли бўлмаган мутахассислар ва инспекторларга 6-разряд бўйича иш ҳақи тўланиши лозимлиги белгиланган.

Бироқ шу кунга қадар умумтаълим мактабларида кадрлар бўйича

менежер вазифасида фаолият олиб бораётган ходимларга 4- ёки 5-разряд бўйича иш ҳақи тўлаб келинаётгани тушунарсиз ҳолат.

Ушбу ҳолатни аниқ миқдорларда келтирадиган бўлсак, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида бугунги кунда 70 та умумтаълим мактаби мавжуд. Табиийки, кадрлар бўйича менежер вазифасида ишлаётган ходимлар сони ҳам шунча. Ушбу ходимларга белгиланган тартибга кўра 1 разряд кам иш ҳақи тўлаб келинмоқда. Демакки, ҳар ойда ҳар бир ходим қарийб 86 минг сўм зарар кўрмоқда.

Ўзбекистонда 10 мингга яқин умумтаълим мактаби бўлса, демак, шунча ходим ушбу ноаниқликдан зиён кўрмоқда. Бир нафар ходим бир ойда 86 минг сўм кам ҳақ олса, энди бу миқдорни қарийб 10 минг нафар ходимни кўз олдингизга келтириб, ҳисоблаб кўраверинг. Умумий сумма бир ойда қанча бўладию, бир йилда қанча бўлади?..

2020 йилдан бошлаб кадрлар

бўйича менежер вазифасида ишлаётган ходимга тўланадиган иш ҳақи молия ва меҳнат органлари билан келишилган тақдирда ҳам маълумотига қараб қандайдир 6-, 7-разряд кўзда тутилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фарзандларимиз таълим-тарбия оладиган маскандаги ходимларнинг манфаатлари таъминланиши, меҳнати қадрланиши, иш ҳақи тўғри ҳисоб-китоб қилиниши зарур, деб ҳисоблайди.

Шунинг учун Халқ таълими вазирлигидан ушбу масалани ўрганиб чиқишни сўраймиз. Кадрлар бўйича менежерларга белгиланган тартибга мос равишда 6- ва 7-разряд бўйича иш ҳақи тўланишини ҳамда 2020 йилдан шу кунга қадар уларнинг иш ҳақини қайта ҳисоб-китоб қилиниши масаласида расмий муносабат кутамиз.

Аброр ҚУРБОНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон Республикасида сайлов умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали ўтказилади. Сайлов очиқ ва ошкора ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Сўз — ҳудудий партия кенгашлари етакчиларига! МУНОСИБ НОМЗОД, ХАЛҚЧИЛ ДАСТУР БИЛАН

Халқ демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари Президент сайловига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида навбатдан ташкари пленумлар ўтказилмоқда. Унда бўлажак Президент сайловига тайёргарлик кўриш, партиянинг XII қурултойига делегатлар сайлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилапти.

Сайлов кодексининг 64-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади. Партиянинг Қурултойига сайланган делегатлар қоида тариқасида партия фаоллари, ҳудудий ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар ва партиянинг ҳамкорлари орасидан сайланади.

24 октябрь — бу мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеалик бўлиб, мазкур жараёнга нафақат сиёсий партиялар, балки ҳамюртларимиз ҳам ҳозирлик кўра бошлаган.

Президент сайлови халқимизнинг эртанги кунни, фаровонлиги, давлатимизнинг равнақи, дунё ҳамжамиятидаги мавқеи мустаҳкамланиши билан боғлиқ долзарб жараён ҳисобланади. Фуқаролар сайлов орқали давлат бошқарувида ўзининг овози, сиёсий иродаси билан бевосита иштирок этади.

Қурултойга делегатлар сайлаш билан боғлиқ масала юзасидан ҳудудий партия кенгашлари етакчилари ҳамда фаоллар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.



Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақал-
поғистон Республика кенгаши
раиси:

— Бугунги кунда сиёсий партиялар учун яратилаётган имкониятлар ва уларга бўлган эътибор ҳақида айтмасак ҳам, ҳамма кўриб, билиб турибди. Ўзбекистон Президентлигига ўтказиладиган бу галги сайлов бутунлай янгича руҳда, янги қонун талаблари асосида ташкил этилади. Демак, олдимизда жиддий вазифалар бор. Ушбу сиёсий беллашувга ўзига хос стратегик мақсадлар ҳамда ишонч билан кириб боришимиз зарур. Асосийси, танлаган гоёмия асосида мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилашда фаол тарғиботчи вазифасини ўташимиз зарур.

Ижтимоий тенгликка эришишда иқтисодий таъминланганлик даражаси муҳим саналади. Шу жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг даромадини ошириш ва уларнинг жамиятдаги ўрни ҳамда нуфузини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки қорни тўқ бўлмаган киши учун сиёсат ҳам, ислохот ҳам қизиқ бўлмаслигига шубҳа йўқ. Биз ўз ғояларимизни тарғиб қилишда ушбу жиҳатга эътиборлироқ ёндашишимиз шарт, деб ўйлайман. Самардорликка эришишда эса айрим масалаларда хушёрлик керак.

Жумладан, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазифаларни ҳал қилиш жараёнида демократик механизмлардан самарали фойдаланиш лозим. Ана шунда таъсир кўрсатиш доираси ортада ва бу мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришларга партиямиз дахлдорлигининг энг яхши амалий кўриниши ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, партиямиз халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун, деган сиёсат билан ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислохотларга нисбатан ўз позициясини намоён этиши керак. Айнан шу кайфият ҳамда шижоат билан Президент сайловида иштирок этсак, ғалабага бўлган ишонч ортади, марра яқинлашади.

Раимберган ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кен-
гаши раиси:

— Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни муносиб тарзда ўтказиш барча даражадаги партия ташкилотлари фаолларидан катта билим ҳамда ташкилотчилик талаб этади. Айниқса, партиямиз дастурий мақсадлари ва ғояларини илгари суришда ташаббускорлик муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун партиямиздан кўрсатиладиган номзоднинг сайловолди дастурига Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшувчи таклифлар бериш лозим. Сабаби номзод дастури халқчил, ҳаётий бўлса, аҳоли манфаатларига хизмат қилади.

Халқ демократик партияси, энг аввало, ижтимоий тенглик, ижтимоий барқарорлик ва халқ фаровонлиги ғояларига содиқ ҳолда фаолият юритади. Ана шу асосда мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, ижтимоий муҳофазага эҳтиёжманд аҳоли қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадларимиз бош негизи бўлиб қолаверади. Шу билан бирга, партиямиз таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш сиёсатини изчиллик билан давом эттириш тарафдори сифатида майдонга чиқмоқда.



Зокиржон ЗОХИДОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят кенгаши раиси:

— Президент сайлови партиямиз фаолларига катта масъулият юклайди ва ҳар бир аъзодан, куйи бугундаги ҳар бир партия ташкилотидан катта сафарбарлик ҳамда уюш-қоқлик талаб қилади. Сайловда юқори натижаларга эришиш сайловчиларга боғлиқ эканини унутмаслик керак. Сайловчи эътиборини қозониш, уларнинг қамиди 50 фоизини ташкил этадиган аёллар овозига эга бўлиш учун аёл номзоди илгари сурилмоқда. Асосийси,

фаоллиқни қўлдан бермай, ҳамжиҳатликда ғолиблик учун бор имкониятни сафарбар этишимиз зарур.

Яна бир масала. Партия ташкилотлари ва депутатлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Хусусан, партиямиз дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, электротат манфаатларини муносиб ҳимоялаш, асосийси, уларнинг хоҳиш-иродасини амалга ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга кўтариш талаб этилади. Тўғри, бу борада қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, хайрли ишлар қилиняпти. Галдаги вазифа эса бу борадаги ишларни янада кучайтириш ҳамда қамровини кенгайтиришдан иборатдир. Жойларда тузилган сайлов участкалари бизга электротатимиз орасига янада кенгрок кириб бориш имконини беради. Натижада мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиб, уларга ечим топишда кўмаклашиш орқали тарафдорларимиз сафини кенгайтириш, хайрихоҳлар сонини оширишга эришамиз.



Олим РАВШАНОВ,
Ўзбекистон ХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши раиси:

— Ҳозир фуқаролар сайлов тизими ва тартибини, ўзининг сайлаш, сайланиш ҳуқуқини яхши идрок этади. 2019 йил парламент ва маҳаллий Кенгашларга ўтказилган сайловлар фуқароларда сиёсий ирода ва талабчанлик ўсганини яққол кўрсатди. Улар нимани хоҳлаётгани, жамиятда қандай ўзгаришлар бўлишини исташини аниқ билади ва шунга кўра ўз танловларини амалга оширади. Бу эса бўлғуси номзод дастурининг ҳаётийлиги, аҳолининг реал турмушига ҳамроҳлигини таъминлашни тақозо этади.

Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг бугунги ўта масъулиятли босқичида бўлиб ўтмоқда. Сайлов, яъни сайлаш ҳуқуқи

нафақат конституциявий ҳуқуқ, балки юксак фуқаролик масъулият ҳамдир. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ташкилоти бугун партиямиз фаолиятидаги муҳим ва масъулиятли босқичга қадам қўяр экан, барча партия ташкилотлари, ҳар бир партия аъзосининг мазкур даврдаги асосий вазифаси ана шу жиддий сийовдан муносиб ўтишдан иборат эканини қайд этади.

Шу кунларда яна бир муҳим жараён давом этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш бўйича сайловчиларнинг имзосини тўплаш ишлари якунла-ниш арафасида. Унда фаол иштирок

этанг партиямиз аъзолари ҳамда хайрихоҳларига алоҳида миннатдорлик билдираман. Бундан буён ҳам хотиржамликка берилмасдан аввалгидан ҳам ғайратлироқ ишлашимиз лозим. Партиямиздан кўрсатилган номзодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тарғибот ишларини олиб бориш, жамоат ва давлат ташкилотлари билан мулоқотларда номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш керак. Бунинг учун муносиб ишончли вакилларни танлаб олишимиз муҳим аҳамият касб этади. Асосийси, сайловга тайёргарлик жараёни, номзод ва унинг дастурий ғоялари ҳақида аҳоли хабардорлигини ошириш лозим.

**» ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ ХАЛҚИМИЗНИНГ
ЭРТАНГИ КУНИ, ФАРОВОНЛИГИ,
ДАВЛАТИМИЗНИНГ РАВНАҚИ,
ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИДАГИ МАВҚЕИ
МУСТАҲКАМЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ДОЛЗАРБ ЖАРАЁН ҲИСОБЛанади.
ФУҚАРОЛАР САЙЛОВ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИДА ЎЗИНИНГ ОВОЗИ,
СИЁСИЙ ИРОДАСИ БИЛАН БЕВОСИТА
ИШТИРОК ЭТАДИ.**

Зулфия ТҶИЕВА,
Ўзбекистон ХДП Бухоро
вилоят кенгаши раиси:

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси энг тажрибали партия бўлиб, унинг ғоя ва мақсадлари ҳамиша эзгуликка, электротат манфаатларига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу эса бўлғуси сайловда партиямизнинг фаол иштирок этиши ва ғалаба қозониши учун барча имкониятга эга эканимизни ифодалайди. Мақсадимизга эришиш йўлида эса бирдамлик, уюшқоқлик ва ташкилотчилик муҳим саналади.

Зотан, сайлов ва сайлаш ҳуқуқи фақатгина бир инсонга овоз беришни эмас, барча жараёнларда фаол иштирок этишни, ислохотларга дахлдорлиқни аналатади. Зиммамиздаги масъулиятли вазифа эса партиямиз фаоллари ва хайрихоҳларига таянган ҳолда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини жадал олиб боришни тақозо этади.

Кенгашимиз қошида сайлов штаби тузилди ва фаолияти йўлга қўйилди. Унга тажрибали, сайлов кампанияси даврида зарур малака ва кўникмаларга эга аъзолар жалб қилинди. Чунки ягона мақсад сари дадил қадамлар ташлашда уларнинг кучи ҳамда имкониятига эҳтиёжimiz бор. Жамоатчилик эътиборини тортиш, сайловчилар билан ишлашда самарадорликка эришиш йўлида ишчи гуруҳларимизга яқиндан ёрдам берамиз.

Вилоят кенгаши пленумида иштирокчилар фикр ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда, партиянинг навбатдаги Қурултойига 7 нафар делегат сайланди.



сининг қабул қилиниши бўлди. Бу сиёсий партияларга давлат бошқарувини ташкил этиш, ғоя ва мақсадларини кенг ҳамда эркин тарғиб қилиш имкониятини беради.

Қонунчиликка биноан барча ваколатларимиздан самарали фойдаланишимиз керак. Масалан, ҳар бир сайлов участкаси партия номзодининг сайловолди дастури ҳамда тарқатма материаллар билан таъминланиши лозим. Шу билан бирга, қонунда кўзда тутилган бошқа адабиётларни ҳам участкаларга етказиш борасида фаоллик талаб этилади. Сайловда ғалаба қозониш асосий мақсадимиз, демак, одамларнинг сиёсий билими ҳамда ислохотларга дахлдорлигини ошириш иккинчи муҳим масала ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, сайловолди тарғиботи даврида партия ташкилотлари ва фаолларининг самарали иш юритиши, қонун билан

белгиланган ваколатларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда фаолият олиб бориши сайловдаги муваффақиятимизни кафолатлайди.

Бўлажак Президент сайлови партиялараро рақобат, ҳамюртларимизнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётган шароитда ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Сайлов нафақат номзодлар, сиёсий партиялар учун, балки сайловчилар, яъни халқимиз учун ҳам катта синов, улкан имконият. Демак, бу имкониятдан кенг ва самарали фойдаланиш, ҳаммани фаолликка қорлаш сизу бизнинг зиммамизга қўшимча масъулият юклайди. Сайлов кампаниясига алоқадор ҳар қандай тадбирда ўз ўрнини ва сўзимизга эга бўлишимиз талаб этилади.

Зилола УБАЙДАЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир.

Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир.

ҲУКУМАТ ДИҚҚАТИГА!

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ КАМСИТИШГА ЧЕК ҚЎЙИШ ВАҚТИ ЕТМАДИМИ?



ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА КЎРА, МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ УЧУН ИШЧИЛАР УМУМИЙ СОНИНИНГ КАМИДА 3 ФОИЗИ МИҚДОРИДА ИШ ЖОЙЛАРИНИНГ МИНИМАЛ МИҚДОРНИ БЕЛГИЛАШИ КЕРАК. ЛЕКИН АМАЛДА ИШЛАМАГАН ҲУЖЖАТНИНГ, ИШЛАМАЙДИГАН ҚОНУНЧИЛИКНИНГ КИМГА ФОЙДАСИ БОР? АЙТМОҚЧИ БЎЛГАНИМИЗ, УШБУ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КВОТАЛАРИ НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРНИНГ ФОЙДАСИГА ИШЛАМАЯПТИ. ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ ҚОНИҚАРСИЗ АҲВОЛДА.

УЛАР ДАҲМАЗА ЭМАС, ИҚТИСОДИЙ КУЧ!

Мақолани тайёрлаш асосида кўп манбаларни ўргандик, маълумотлар билан танишдик, тўғриси, кўп ҳолатларда воқеликдаги манзаралардан ранжидик. Ҳаёт фаолияти чекланган бўлса-да, ишлайман, бола-чакамни боқаман, ўқитаман, оилам даромадига улуш қўшаман, деган қанчадан-қанча инсонларнинг сарсон-саргардонлиқда юрганини ҳеч қандай баҳона билан **оқлаб бўлмайди**, назаримизда.

БМТ 2019 йилда олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг иш топиш имкони бошқа фуқароларга қараганда, қарийб 4 барабар кам эканлиги айтилган эди. Орадан 2 йил ўтди – вазият ҳали ўша-ўша, ҳужжатлар шунчаки қоғозда қолиб кетаяпти, квоталар бўйича ишга жойлаштириш тизими ишламаяпти.

Келинг, яхшиси, фикримизни рақамлар орқали изоҳлаймиз. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 780 минг нафар ногиронлиги бор инсон рўйхатга олинган. Шулардан 350 минг нафари ишга лаёқатли. **Амалиётда эса уларнинг бор-йўғи 2 фоиизи иш билан таъминланган!** Қолганлари-чи? Уларнинг тақдири учун ким масъул?

Шу йил 23 февраль куни Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ногиронлиги бор кишиларни иш билан таъминлаш мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтган эди. Конференцияда Сассекс университетининг (Буюк Британия) Тараққиёт тадқиқотлари институти докторанти Дилмурод Юсупов ногиронлиги бор кишиларга **огир юк сифатида эмас**, балки **иқтисодий куч** сифатида қарашга чақирган эди.

Ҳақиқатан ҳам мутахассисларнинг айтишича, **ногиронлиги бор шахсларга истеъдод сифатида эмас, балки даҳмаза сифатида қаралади**. Ваҳоланки, улар ҳам бошқалар каби тенг ҳуқуқли жамиятимиз аъзоси. Уларнинг ҳам ўқишга, ишлашга, орзу-мақсадлари сари интилишга ҳаққи бор.

500 ТА ЭМАС, 20 ТА КОРХОНАНИНГ РЎЙХАТИНИ БЕРИНГ, ФАҚАТ...

– 2 йил олдин Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ногиронлиги бор инсонлар билан ишлаш қониксарсиз, деб баҳоланган эди. Ҳақиқатда шундай. Тўғри, пандемия даврида иш топиш янада қийинлашди. Бу энди объектив сабаб, бу баҳона бўлмайди, – дейди **Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоқов**. – Қачонки, биз ногиронлиги бор шахсларга огир юк сифатида эмас, балки жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, иқтисодий куч сифатида қарашни бошласак, шундагина бу борадаги муаммоларга барҳам

Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бизга заҳира иш жойлари бўйича 500 та эмас, 20 та корхонанинг рўйхатини бериши керак. 3 фоиизлик квота бўйича эса уларда алоҳида рўйхат туриши лозим. Марказлар эса бизга шундай рўйхатни эмас, аксинча умумий рўйхатни берапти.

бера оламиз. Аввало, одамларимизда, жамиятда ана шу қараш шаклланиши керак.

Шунингдек, ҳар йили вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари бандлик бошқармалари, туман бандликка кўмаклашиш марказлари билан биргаликда ўз ҳудудидаги корхоналардан ногиронлиги бор шахслар учун иш ўринларини заҳира қилиб қўйиши керак. Лекин, **негадир 4 йилдан бери заҳира иш ўринлари ажратилмаяпти**. Иш берувчи ташкилотлар ҳам ногиронлиги бор фуқароларга **3 фоиизлик квота ажратмаяпти**.

Яқинда Олмазор туманида ногиронлиги бор фуқароларни иш билан таъминлаш масаласини ўрганиб чиқдик. Дастлаб у ерга ногиронлиги бор инсонни иш қидираётган киши сифатида юбордик. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази унга 500 та корхонанинг рўйхатини берапти. "Ушбу ташкилотларга телефон қилинг, вакант иш ўринлари бор, қайси ишга олса олади" деб... Ишонасизми, эринмасдан, ҳаммасига телефон қилдик. "Ногиронлиги бор шахс", деган сўзни эшитиши билан аксарият иш берувчилар "биз вакант иш жойимизга одам олиб бўлдик", деган жавобни берапти. Мана аҳвол...

Шундан сўнг биз яна туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига бордик. Бизга 500 та корхонанинг рўйхати эмас, ногиронлиги бор шахслар учун 3 фоиизлик иш ўринларининг рўйхатини беришни айтдик. Лекин, афсуски, **бўндай рўйхат уларда йўқ эди...**

Аслида қандай бўлиши керак? Масалан, туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бизга заҳира иш жойлари бўйича 500 та эмас, 20 та корхонанинг рўйхатини бериши керак. 3 фоиизлик квота бўйича эса уларда алоҳида рўйхат туриши лозим. Марказлар эса бизга шундай рўйхатни эмас, аксинча умумий рўйхатни берапти. Демак, тизимда қуйидан бўшлаб иш тўғри ташкил этилмаган.

МАВҲУМ ҲУҚУҚЛАР, РЕАЛ ТЎСИҚЛАР

Мутахассисларнинг айтишича, агар ногиронлиги бор шахслар учун қулай меҳнат шaroитлари яратилса, уларни иш билан таъминлаш имкони янада ортади. Аввало, улар бемалол ҳаракатланиши учун тўсиқсиз муҳит яратиш керак.

– Тасаввур қияласизми, ишга лаёқатли ногиронлиги бор шахсларнинг бор-йўғи 2 фоиизгина иш билан таъминланган. Бу жуда ёмон кўрсаткич, – дейди **Ойбек Исоқов**. – Агар биз уларга керакли шaroитларни яратиб берсак, **улар жону дили билан ишлайди**. Масалан, у ногиронлик аравачаси билан транспортга чиқолмаса, қингир-қийишқ йўлларда ҳаракатлана олмаса, **ишхонагача қандай боради?** Автобусга ўтиролмаса, бекатга чиқолмаса, зинадан кўтарила олмаса, уйдан ташқарига чиқишни хоҳлайди, дейсизми? Демак, аввало, тўсиқсиз муҳит яратилмас экан, ногиронлиги бор инсонларни иш

билан таъминлашнинг имкони ҳам, илоҳи ҳам бўлмайди. Бу бир-бири билан бевосита боғлиқ. Бизда тўсиқсиз муҳит йўқлиги учун ҳам аксарият ногиронлиги бор инсонларимиз сарсон-саргардон бўлиб, ишга жойлаша олмаяпти.

Маълумотларга кўра, пойтахтимиздаги бинолар ва ижтимоий инфратузилма **объектларининг 80 фоииздан ортиғи ногиронлиги бор инсонлар фойдаланиши учун мослаштирилмаган**. Пойтахтимиздаги транспорт инфратузилмаси ҳам ногиронлиги бор шахслар ҳаракатланиши учун мослаштирилмаган экан. Мамлакат пойтахтида аҳвол шу бўлгач, энди вилоятларни, туман ва чекка ҳудудлардаги вазиятни гапирмаса ҳам бўлади. Бундай шaroитда қандай қилиб ногиронлиги бор фуқароларимизни иш билан таъминлаш мумкин? Бу ақлга сизгайдиган масала-ку!

ВАЗИРЛИК ВАЗИЯТГА ПАНЖА ОРТИДАН ҚАРАШНИ ТЎХТАТИШИ ШАРТ!

Сўхбатимиз давомида Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси О.Исоқов иш берувчилар қонунчилиқда белгиланган 3 фоиизлик квотани бажармаганлик учун жазима берилиши, лекин Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бу борадаги қонунларга риоя этилиш ҳолатларини тегишли даражада назорат қилмаётганини таъкидлади:

– Назорат йўқлиги учун ҳам иш берувчи ташкилотлар ногиронлиги бор шахсларни ишга жойлаштириш масаласига қўл силтаб келяпти. Ўтган йили **10 миллион сўм жарима йиғилбди**. 500-600 та корхона устидан назорат олиб борилибди. Ваҳоланки, 200 мингдан ортик корхона бор. Нега улар назорат қилинмайди, нега жаримага тортилмайди?

Бунга бандлик ва ишга жойлашиш марказларида рағбатнинг йўқлиги сабаб, деб ўйлайман. Жарималар меҳнат марказларининг жorий ҳисоб варағига эмас, балки Молия вазирлигининг ҳисоб рақамига тушади. Шунинг учун улар назорат қилмай қўйишган-да. Назорат бўлмаган жойда эса ҳамма нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилади, ишга юзаки томондан ёндашилади. Бу ҳақиқат.

УЛАР ҚОНУНАН... КАМСИТИЛМОҚДА!

– Ногиронлиги бўлган шахсларни иш билан таъминлашдаги катта тўсиқлардан бири бу жамиятимизда шаклланиб қолган нотўғри ногиронлик тушунчасидир, – дейди **Тошкент шаҳар "ШАРОИТ ПЛЮС" ногиронлар жамоат бирлашмаси томонидан амалга оширилаётган "www.ishplus.uz махсус рекрутинг веб-портали орқали ногиронлиги бўлган шахсларни очик меҳнат бозорига муносиб иш билан таъминлаш" лойиҳаси раҳбари, Сассекс университети (Буюк Британия), Тараққиёт тадқиқотлари институти докторанти Дилмурод Юсупов**. – Мисол учун, ҳаттоки ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам **"ишга яроқсиз бўлиб қолиш"** деб кўрсатилган. Ногиронлик ҳолатини расмийлаштирадиган Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ҳам яқин кунгача I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга улар "меҳнатга лаёқатсиз", деб маълумотнома берар эди. Табиийки, бу камситувчи ёзувни кўрган иш берувчилар ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олишга қўрқишган ва ортикча масъулиятни ўз бўйниларига олишни истамаган.

Ногиронлик бу **"ишга яроқсизлик"** эмас, чунки инсон ўз жисмоний ҳолатидан қатъи назар меҳнат фаолияти билан шугулланишга ҳақли. Бу ҳуқуқ Конституциямизнинг 37-моддасида ҳам белгиланиб қўйилган.

Муаммо ногиронлик ҳолатида эмас, балки

жамиятимиздаги нотўғри қарашлар, стереотиплар ва иш жойларида ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай шaroитлар йўқлигида. "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги янги қонунда ҳам уларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатланган бўлиб, қонуннинг 43-моддасида улар учун алоҳида 3 фоиизлик меҳнат квотаси ажратилган.

Ҳозирги кунда турли хил изланишлар натижаларига кўра, Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг расман иш билан таъминланганлик даражаси ачинарли ҳолатда. Тизимда тўпланиб қолган муаммоларни ечиш учун биринчи навбатда ногиронлиқни меҳнатга яроқсизликка тенглаштиришни тўхтатиш керак. Агар оқилона қулайлик яратилса, ҳаттоки, энг огир ногиронлик ҳолатидаги шахслар ҳам ишлай олади. Барчаси бизнинг дунёқарашимиз ва шaroитларга боғлиқ бўлган масалалар.

Яна бир гап. Қонун ва норматив ҳужжатларда белгиланган ногиронлиги бўлган шахсларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини амалда рўёбга чиқариш учун кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш керак, деб ҳисоблайман. Мисол учун, 3 фоииз квотани бажармаган масъул шахсларга маъмурий жавобгарлик кўрсатилган бўлса-да, амалда камдан кам ҳолатда қонунни бузаётган иш берувчилар жазога тортилган.

Бундан ташқари, кўпчилик иш берувчилар бу борадаги мажбуриятлари ҳақида ҳатто хабардор ҳам эмас. Ва ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олсам, бу менга ортикча бош огрик бўлади, деб ўйлайди.

Аммо, инклюзив иш берувчиларга қонунчилигимизда бир қатор имтиёзлар ва преференциялар кўрсатилган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳам яқинда бундай тадбиркорларга микрокредитлар ва субсидиялар ажратиш тартибини қабул қилди. Афсуски, бу имкониятлардан камдан кам тадбиркорлар фойдаланаяпти.

УЛАРНИ КАСБГА ЎҚИТИШ ТИЗИМИ МАВЖУДМИ?

– Ўзбекистонда инклюзив меҳнатни ривожлантириш учун нафақат жамиятимиз ва иш берувчиларнинг онгини ижобий томонга ўзгартиришимиз керак, балки ногиронлиги бўлган шахсларнинг касбий тайёргарлигини оширишимиз керак, – дейди **Дилмурод Юсупов**. – Афсуски, уларнинг таълим даражаси жуда ҳам суст. Чунки кўпчилик, айниқса, жисмоний ногиронлиги бўлган шахслар уйда сифатсиз таълим олишган ва жамиятга қўшила олмаган. Уларда оддий ижтимоий кўникмалар, иш берувчилар билан алоқага чиқиш ва бошқалар билан муносабат қилиш кўникмалари яхши шаклланмаган.

Касбий тайёргарлик бўйича ногиронлиги бўлган шахслар ханузгача эқсирган йўналишларда ўқиб келишяпти. Мисол учун, Тошкент шаҳридаги имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган 1-сонли касб-ҳунар мактабиде ногиронлиги бўлган хотин-қизлар учун **фақат тикувчилик курси, текстиль галантерия маҳсулотлари тўқувчиси, эркаклар учун эса майший техника ёки пойабзал таъмирловчиси курслари бор**.

Аммо ҳозирги меҳнат бозорининг талаблари бошқа ва замонавий касблар пайдо бўлган. Мисол учун, ижтимоий медиа маркетинг (SMM) менежери, график дизайнер, веб-дизайнер, дастурчи, колл-маркази оператори ва бошқа аҳборот технологияларига асосланган касблар. Яъни, АКТ имкониятларидан фойдаланган ҳолда ногиронлиги бўлган шахслар масофавий уйдан ўтириб ҳам меҳнат фаолияти билан банд бўлишлари мумкин.

Мақолани тайёрлаш жараёнида масъул биз ҳам бир хулосага келдик. Ўзбекистонда ногиронлиги бор шахсларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари анчайин огрикли мавзуга айланиб улгурган. Инклюзив меҳнат шaroитлари талабга жавоб бермайди. Хўш, мутасадди вазирликлар бу борадаги муаммолар, камчиликларни қандай изоҳлайди? Қонун ижросига сусткашлик билан қарашни ўзига эп кўрган идора ва ташкилотлар ўзини қандай оқлайди? Қоғозда бор, аслида мавҳум бўлган ҳуқуқлар тикланиши, амалда ишлаши учун яна қанча вақт керак? Ишлайман, деган ногиронлиги бор фуқароларимиз иш сўраб яна қанча сарсон, саргардон бўлиши керак?

Биз ҳам мавзуга шу билан якун ясамоқчи эмасмиз. Вазирликлар, мутасадди ташкилотлар саволларимизга жавоб йўллашига ҳам тўғриси, ишонмаймиз. Яхшиси, яқин кунларда ўзимиз уларнинг эшигини тақиллатамиз, саволларимизга жавоб сўраймиз. Ногиронлиги бор инсонларнинг ҳаётини фаолияти билан бевосита боғлиқ бу масалаларда сиздан сўрайдиганларимиз жуда кўп...

Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.

“МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ПАРТИЯСИ ДИҚҚАТИГА!

БОШ ҚОЛДИМИ ДЎППИГА ЛОЙИҚ?

Раҳматли Муҳаммад Юсуфнинг шеърини ҳаммамиз ўқиганмиз, биламиз. Унда дилгир, миллий хаёлларга мубтало қаҳрамоннинг қалб дафтари ўқувчиларга ўзига хос бадиий талқинда ҳикоя қилиб берилади.

Энди гапни эски қадрдонимиз “Миллий тикланиш”дан эшитинг. Интернетни гүмбурлатаётган хабарлар оқимида кўзим “Дўппи челленж”га тушиб қолди.

Ҳа, нимасини айтасиз, дўппидан муҳимроқ мавзу йўқ ҳозир.

Бу оламшумул ғоянинг муаллифи ким экан, деб қарасам, шу “Миллий тикланиш” партияси лидери бўлиб қикди. Назаримда, партия марказий аппаратида миллийлик, маданий мерос деганда дўппини назарда тутадиган даражадаги политехнологлар ишлайди, шекилли.

Афсуски, сайловолди ташвиқотлари мундарижаси “Дўппи челленж” даражасида қотиб қолган партиялар ҳам бор. Шундай хаёллар билан партия ва унинг раҳбари номидан юритиладиган интернет ресурсларни ораладим. Балки янглишаётгандирман, эҳтимол бошқа бир тузукроқ, жўялироқ гаплар, ташаббуслар бордир?

Ҳа, бор экан. Имзо йиғиш жараёнига ўқитувчиларни мажбуран жалб қилмасликка

доир ҳуқуқий тавсия ва келажакка хиёнат номли кўлгили утопия. Ҳуқуқшунос дипломига эга бўлган партия етакчисининг “Миллий тикланиш”ни ҳуқуқий маслаҳатлар омборига айлантириб бораётгани алоҳида мавзу.

Биринчидан, ўзининг чиқишлари билан ўқитувчилар ҳимоячиси, таълим фидойиси сифатида кўзга ташланишни яхши кўрадиган “Миллий тикланиш” партияси амалда устозлардан имзо йиғишни бошлаворгани учун лоақал узр ҳам сўрамади. Шунчаки, уларга ҳуқуқий тавсия берилди. Келинг, биз буни юмшоқ қилиб, “Олийжаноб кеккайиш”, деймиз.

Келажакка хиёнат гиперғояси ҳақида. Асосий жиҳат шундаки, келажакка доир муҳим ва долзарб ташаббус Эшматнинг тилидан эмас, Олий Мажлисида фракция раҳбари, бир партия лидери бўлган шахснинг тилидан чиқаяпти. Яъни, ҳали ғоя сифатидагина мавжуд бўлган, амалга киритиш механизмлари тўлиқ асосланмаган, концептуал жиҳатдан таҳлил қилиб кўрилмаган қизик бир гапни пақ этиб айтиб қўйиш – ҳай-ҳай, сиз блогер эмассиз, қонуншуноссиз, акаси.

Халқни алдаманг, таклифларингизни профессионал қонун ижодкорларига хос равишда, аниқ ва лўнда гапиринг. Ким, айтинг, ким сизга халал бераяпти бу нормани ҳужжат шаклида, лойиҳа шаклида парламентга киритишга? Нега энг осон ва енгил йўлни танлайсиз?

» КИМ, АЙТИНГ,
КИМ СИЗГА
ХАЛАЛ БЕРАЯПТИ
БУ НОРМАНИ
ҲУЖЖАТ
ШАКЛИДА,
ЛОЙИҲА
ШАКЛИДА
ПАРЛАМЕНТГА
КИРИТИШГА?
НЕГА ЭНГ ОСОН
ВА ЕНГИЛ ЙЎЛНИ
ТАНЛАЙСИЗ?

Дарвоқе, агар бошқалар шундай ниятларини, орзуларини айтса, аниқки, енгил “ҳайп”-да, шов-шув ортидан қувишда айблашади.

Умуман, “Миллий тикланиш” партияси ҳар доимгидек, муҳим сиёсий кампания баҳонасида аравани қуруқ олиб қочиб, сайловчиларнинг фикрини қалғитишни бошлаганга ўхшайди. Кейинги ўн-ўн беш кунда партия асосан таълим масалалари ва “дўппи челленж” билан машғул бўлганини инобатга олсак, ўзининг сайловолди дастурини узил-кесил унутиб қўйгани тушунарли.

Ҳозир жойларда барча партиялар конференцияларини ўтказиб, навбатдаги пленумга тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг энг қуйи тузилмаси – шаҳар ва туманлардаги ходимлари айна пайтда сайловчилар билан юзлашиб, имзо йиғиш, пленумга номзодлар сайлаш тараддудида.

“Миллий тикланиш”да партия ғояларига садоқат билан ишлаб юрган одамларга бериладиган тузукроқ мафкуранинг йўқлиги ачинарли. Бошқа томондан олганда, кундалик воқеликлар, муҳим янгиликларга муносабатлар даражасидаги тафаккур билан одамларни алдаш қийин.

Балки, “Миллий тикланиш” хаёлпарастликни йиғиштириб, дўппини ерга қўйиб, бирон жиддийроқ иш қилиш кераклигини ўйлаб кўрар?

Қодир БУМАТОВ

МУТАХАССИС ШАРҲИ

ЎҚИТУВЧИЛАР УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛИГИГА ҚАНДАЙ ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ?

БУ ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН АҲЛИ МУҲИМ СИЁСИЙ ВОҚЕЛИК — ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ АРАФАСИДА ТУРИБМИЗ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING КОНСТИТУЦИЯСИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН СИЁСИЙ ЖАРАЁН — 2021 ЙИЛ 24 ОКТЯБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ДАВЛАТ РАҲБАРИ САЙЛОВИ ҲАР БИРИМИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗГА БЕВОСИТА БОҒЛИҚ ВОҚЕЛИК ҲИСОБЛАНДИ.

Ўзбек халқи Президент тимсолида ўз йўлбошчиси, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилувчи, халқимиз ва юртимизнинг ҳавфсизлиги ва тинчлигини таъминловчи лидерни кўради. Бу жараёнда сайлов қонунчилиги талабларини сўзсиз, аниқ ва бир

хилда ижро этилишини таъминлашда участка сайлов комиссияси аъзолари зиммасига юксак масъулият юкланади. Ўз навбатида, участка сайлов комиссиялари ўз ваколатларини қонунга қатъий риоя қилган ҳолда оғишмай ўз вақтида ва аниқ бажариши сайлов кампаниясининг муваффақиятли ўтқа-

зилиши билан чамбарчаср боғлиқдир.

Қайд этиб ўтиш лозимки, сайлов комиссияси фаолиятига масъулларни жалб қилиш ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар томонидан кенг муҳокама қилинди. Айрим фойдаланувчилар томонидан “Ўқитувчилар участка сайлов комиссияси фаолиятига мажбуран жалб қилинмоқда”, “Участка сайлов комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш пайсалга солинади” мазмундаги фикрлар билдирилган. Юртимиздаги Президентлик сайлов кампаниясига фуқароларнинг шахсий позициясини билдириш амалиёти очиклик сиёсатини кўрсатиб турибди.

Бу борада, қуйидаги муҳим жиҳатлар сайлов жараёнига жалб қилинган, айниқса, участка сайлов комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш, харажатларнинг ўрнини қоп-

лаш тўғрй йўлга қўйилганини яққол кўрсатиб турибди.

Биринчидан, сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни оқилона молиялаштириш мақсадида сайлов жараёнини молиялаштириш тартибига ўзгартириш киритилиб, сайлов комиссияларининг харажатлар сметалари сайлов ўтказиладиган йилнинг биринчи чорагида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилиши белгиланди. Бу эса, ўз ўрнида, сайловни молиялаштириш билан боғлиқ тайёргарлик жараёнини енгиллаштиришга хизмат қилди.

Иккинчидан, участка сайлов комиссиялари аъзосига юклатилган ваколатларнинг кенг қўламлиги ва масъулиятлигидан келиб чиқиб, уларга муайян талаблар белгиланган. Яъни, ҳамма ҳам участка сайлов комиссиялари аъзоси бўлавермайди. Хусусан, комиссия аъзоллигига номзодлар йиғирма бир ёшга тўлган бўлиши, ўрта ёки олий маълумотга эгалиги, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эгалиги ва энг асосийси **аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар** бўлиши муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, Сайлов кодексининг 25-моддасига мувофиқ, участка сайлов комиссияси аъзоларига қўйиладиган талаблардан яна бири сифатида участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслигини айтиш мумкин.

Яъни, участка сайлов комиссияси аъзоларини шакллантиришда комиссия аъзоллигига номзодлар таркибига **нодавлат хотинжор ташкилотлари, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, ҳуқуқий билим ва малакага эга шахслар, яъни юрисконсультлар, адвокатларни, хорижий тилларни биладиган мутахассисларни** ҳам

киритиш тавсия этилади.

Тўртинчидан, участка сайлов комиссиялари аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Бунда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида сайлов комиссияси аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилган кафолатлар қўлланилади. Яъни, ходимга сайловни ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **ўртача ойлик иш ҳақи** тўланади.

Бешинчидан, участка сайлов комиссияларининг аъзоларига харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда **транспорт, овқатланиш харажатларининг** ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланиши алоҳида белгиланган. Бу, ўз ўрнида, ушбу шахсларнинг сайлов жараёнида ўзига юклатилган вазибаларни сидқидилдан бажаришига хизмат қилади.

Олтинчидан, қонунчиликда доимий иш жойига эга бўлмаган участка сайлов комиссиялари аъзолари, шу жумладан, **комиссия аъзоллигига жалб қилинган пенсионерларнинг** меҳнатига ҳақ тўлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу борада, ушбу шахсларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланиши белгиланди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, участка сайлов комиссиялари ва улар аъзоларининг миллий сайлов қонунчилигимиз ва халқаро стандартлар асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий замин яратилган.

Бекзод НАРИМАНОВ,
Тошкент давлат юридик университети
Конституциявий ҳуқуқ кафедраси доценти в.б.
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

#сайлов2021

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИНИ
ЎТКАЗУВЧИ
ОКРУГ
САЙЛОВ
КОМИССИЯСИ
ҚАНДАЙ
ВАКОЛАТЛАРГА
ЭГА?



@electionsuz

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

- Тегишли ҳудудда сайлов кодексининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

- сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

- участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;



@electionsuz

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

ИНСОН ХОТИРАСИ АЗИЗ

АРМОН ВА ЮПАНЧ

Токи тириклик олами мавжуд экан, инсоният бор. Токи инсоният бор экан, унда яхши инсонлар бўлиб, уларнинг хотираси абадийдир.

Ана шундай табаррук инсон, мамлакатимиз иқтисодиёти соҳаси билимдонларидан бири, устоз Маҳмудов Бахтиёр ака эдилар. Афсуски, яқинда узоқ муддатли беморликдан сўнг бу киши фаний дунёни тарк этиб абадиёт оламига кетдилар. Ҳаётда ҳар бир инсоннинг ўзига хос хислатлари бўлади. У кишини кўпчиликдан тўғрисиқлиги, ҳалоллиги, қатъиятчилиги ажратиб турарди. Ундаги бу фазилат иш фаолиятига ҳам, оиладаги ўрнига ҳам, дўстлари даврасидаги тугган мавқеига ҳам чамбарчас боғланиб кетган эди.

Бахтиёр ака узоқ йиллар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш (у киши ишга кирган пайтлари Прогнозлаштириш ва статистика давлат кўмитаси деб номланар эди) вазирлигида фаолият кўрсатди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида мамлакатимизнинг бўлғуси ёш, салоҳиятли раҳбарларига таъсирчан маърузалар қилдилар.

Мазкур улў даргоҳда бир воқеани менга тингловчиларнинг ўзлари айтиб беришган. Академия тингловчиларидан бири, нописандликданми ёки эътиборсизлик қилибми, хуллас у кишининг дарсларига қатнашмайди ва кўпгина қизиқарли дарсларни ўтказиб юборади. Вақтлар ўтиб, имтиҳон топшириш гали келганда, табиийки ундан ўта олмади. Шунда тингловчи орага кўпплаб нуфузли, обрўли, ҳатто академия раҳбариятидан ҳам кишиларни “ишга солади”. Лекин бу саъй-ҳаракатлар ҳеч қандай натижа бермади. Анча фурсат ўтиб тингловчи ўтказиб юборилган дарсларнинг барчасини мутолаа қилиб, ўз билими билан имтиҳон топширади.

У киши доим ён-атрофидаги шогирдларига ҳазрат Алишер Навоийнинг “Адаб ўргангилу илм ҳосил қил. Аҳли маънога ўзни восил қил”, деган машҳур байтини айтиб, унинг мазмунини сўрашни унутмасдилар.

Таъкидлаш жоизки, янги Ўзбекистон даврида мамлакатимиз олдида турган ўстувор масалалардан бирига



айланган иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш борасида ҳам Бахтиёр Маҳмудов ўз тажрибаси ва малакаси билан катта манфаат келтираётган эди.

Дарҳақиқат, Бахтиёр Маҳмудовнинг Аббос Набиҳўжаев, Ёдгор Файзуллаев каби қадрдон ҳамкасблари, тажрибали иқтисодчи олимлар билан республикаимиз иқтисодий юксалишида муносиб улўшлари борлигини асло унутиб бўлмайди.

Бахтиёр акани республикаимиз статистика амалиётига халқаро андозаларга мос келадиغان Миллий ҳисоблар тизими ва Тўлов балансини жорий қилишдаги фаолияти иқтисодиёт ва статистика соҳасида чуқур из қолдирди. Унинг республикаимизда биринчилардан бўлиб “Миллий ҳисоблар тизими” ўқув қўлланмаси талабалар ва магистрантлар учун муҳим методик қўлланма бўлди.

Армон шукки, бу инсоннинг ҳали қиладиған эзгу режалари кўп эди. Чунончи ўзаро суҳбатларнинг бирида таъкидлаганларидек, ўз зурриётларидан шу элга, юртга манфаати тегадиган фидойи, меҳнатсевар зурриётларни, шу билан бирга, ўз касбининг ўстаси бўлган янада кўпроқ шогирдларни тарбиялаб вояга етказиш эди.

Юпанч шукки, унинг ортидан доно, қобил зурриётлар, ўз касбининг фидойиси бўлган кўпплаб шогирдлар қолди. Улар албатта, Бахтиёр аканинг ушалмаган эзгу ниятларини амалга оширади.

Обиддин МАҲМУДОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

КЎНГИЛНИНГ
УЧ ҲАЙРАТИ

имтиёз ҳақида ялонғоч ҳақиқатлар

ГАП НИМАДА?

Халқ тилида айтганда, контракт-га ўқишга кирган талаба негадир оиласи олдида мулзам бўлади. Отам ўқитармикан, онам қийналмасмикан, дегандек истиҳолалар қалбини “еб” ташлайди.

Қўйинг, аҳолимиз бой, қурбимиз этади, ўзбек оталар боласини ўқитишга ернинг тагидан ҳам пул топади, бахтимиз тўкин, халқимиз бой-бадавлат, деб ўзимизни алдамайлик. Асло ундай эмас. Контракт қиммат, аксарият ўртаҳол оилаларнинг тўлов қобилияти паст.

Ҳўп. Таълим кредити талабага, кенг маънода, давлатимизга фойдани ёки вақтинчалик қўйилган малҳамми – қуйида шу ҳақда гаплашамиз.

БИРИНЧИ МАНЗАРА

Бола контрактда бўлса ҳам ўқийди – оила таълим кредити олишга жазм қилди. Олийғохнинг маркетинг бўлимидан шартнома олиб, уни ўзи мўлжал қилган банкка олиб боради. Аммо...

Маркетинг бўлимига борса, шартнома олиш учун буйруқ чиқиши кераклиги, бунинг учун сентябрнинг 10 санасидан кейин хабар олиш лозимлиги айтилади. Бола унғача аудиторияга кириб, ўқишни бошлаб туради. Аммо, юракда ҳадик, фамилия қургур рўйхатлардан чиқмайди.

Афсуски, не ўн йиллардирки, шу манзара ўзгармади-ўзгармади. Контрактга ўқишга кирган талабанинг дастлабки ўн-ийгирма кундаги ҳадиклари, хавотирлари бир синтемтал қиссага мавзу бўлади аслида. Ҳали у ижарага ўй топиши керак, токи ўқишга кирганини тасдиқлаб, контрактини тўлаб бўлгунча талабалар ётоқхонасида жойлар тўлиб бўлади. Хуллас, пойтахти азимда

бир қучоқ муаммолар ва орзулар билан ёлғиз қолиб кетган ёшларнинг драмаси жуда ғалати, сунъий пайдо қилинган ўзига хос воқелик.

Дарс? Бунақа пайтда мянга ҳеч нима кирмайди!

ИККИНЧИ МАНЗАРА

Банк. Ота-она ва талаба фарзанд. Қўтиб туришибди. Биласиз, таълим кредити бўйича 11 та банк кредит ажратишга тайёрлигини Молия вазирлиги эълон қилди. Барака топишсин, раҳмат.

Аммо банкда кимлар ишлашини биласиз-ку!? Биламиз-ку! Кредит деса, бошқача нигоҳлар, қарашлар ва тамшанган оғизлар. Тўғри, ҳаммаси эмас, лекин аксарияти шундай.

Оғайни, бу – таълим кредити, миллатнинг умидларига аталган имтиёз, буни ўйнаб-қулиб, миннатдор нигоҳларга тез битириб бер, ҳижолатпазликдан юзи кизариб турган йигит эртага дунёни тебратаяди, уялиб, онасининг орқасига яшириниб турган моқиқ эртага шу банкнинг истиқболи... Бе, қаёқда. Бунақа пафосли, серҳа-жон кайфият у ерларда бўлмайди.

Пироварди, муаммонинг мазмуни шундаки, ҳар бир вилоят марказларида барча банклар вакиллари иштирокида таълим кредити учун ўн кунлик штаб ташкил этиш керак эди!

Ортиқча оворагарчилик ва сарсонгарчилик бўлмаслиги, шаффофлик таъминланиши учун шарт эди шу! Чунки, давлат миллатнинг олтинбошлари учун шундай имтиёз, ресурс ажратганда, буюғига аҳоли учун қулай муҳитда ўша имтиёзни жорий этиш – виджон, масъулият масаласи.

УЧИНЧИ МАНЗАРА

Таълим кредити ва рибо мавзуси, муаммоси йўқ деб ўйлайсизми? Ай-

ниқса, ҳужжат лойиҳаси тайёрланаётганда, дейлик, нега Ислон университети талабаларининг (харфхўрлар билан тортишгим йўқ – шунинг учун “хўқўқлари” деб ёзмадим) ҳаётий ақидалари, маслакларини инобатга олинмади?

Тасаввур қилинг, бу университет талабалари мусулмон молия тизими орқали имтиёз олишга ҳақли эдимиз? Улар учун ҳам недир бир афзаллик, давлатнинг меҳр қўлларини ўзантириш мумкин эди-ку!

Бугун давлатимиз диний ва дунёвий соҳани чуқур биладиган кадрларга жуда эҳтиёжманд. Содда қилиб тушунтираман: кўрмурид, мутаассиб, жоҳил кимсаларга қарши ўз маърифати билан турадиган шўла мана шу университет битирувчилари бўлади! Тушуняпсизми?

Аммо давлат миқёсида эълон қилинган имтиёзли таълим кредити кампаниясида уларнинг манфаатлари инобатга олинмади...

ХУЛОСА

Бу маттни ёзишдан олдин ўйладим. Мен, масалан, кичик деталларни муҳокамага тортиб, давлатнинг хайрли кампаниясини танқид қилишга шунчаки чиранаяпманми ёки ҳақиқатан бу муаммолар борми?

Гап таълим ҳақида кетганда муаммонинг катта-кичиги бўлмайди. Менинг таклиф ва танқидларимнинг моҳияти битта – яхши ва эзгу ташаббус бўлсин, аммо ҳаммамиз унга эш бўлайлик, камарбаста бўлайлик. Токи, қийналган, шунга зорикқан талабалар учун жуда кичик ташкилий хатоликлар ҳалал бермасин...

Гулрўх ОДАШБОВЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

ҚОТИБ ҚОЛМАГАН ҚОТИБЛАР
рейтингда юқори ўринни эгаллади

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан республика даражасидаги 139 та ташкилот ва идоралар ҳамда 206 та туман ва шаҳар ҳокимликлари матбуот котибларининг 2021 йил I ярим йилликдаги фаолияти самарадорлиги ўрганилди ва уларнинг рейтинги эълон қилинди.

Маълум қилинишича, матбуот котиблари фаолиятини баҳолашда иш ҳажми, фаолияти сифати, самарадорлиги ўрганилиб, таснифланган.

Умуман, рейтинг якунларига кўра, 139 нафар матбуот котибидан 29 нафарининг иш натижалари юқори, 74 нафариники ўрта, 23 нафариники қониқарли, 13 нафарининг фаолияти паст даражада, дея баҳоланган.

Туман ва шаҳарлар ҳокимликлари кесимида 206 нафар матбуот котибидан 10 нафарининг фаолияти юқори, 83 нафариники ўрта, 70 нафариники қониқарли, 38 нафариники эса паст даражада, деб топилган.

Юқори натижаларни қайд этган матбуот котиблари орасида “Ўзбекистон овози”нинг доимий ҳамкорлари борлиги қувонарли. Албатта, рейтинг ўзига хос бир кичик эътироф, энг асосий баҳони халқимиз беради.

Хусусан, бугунги кун ҳолатига кўра, Ўзбекистонда энг кучли матбуот котиблари деб эътироф этилган учлик – Акмал Назаров, Фурқат Санаев ва Шохрўх Ғиёсов тахририятимизнинг доимий ҳамкори.

Бу ҳолатга эътибор қаратишдан мақсад, шунчаки фаол ҳамкасбларни олқишлаб қўйиш эмас, шу баҳонада матбуот хизмати ва матбуот ўртасидаги муносабатлар хусусида яна бир марта мунозарара қорлашдир.


Интернет, сайтлар, блогинг, ТВ, радиоканалар билан солиштирганда, матбуот котибларининг босма нашрлар билан ҳамкорлик қилиши негадир сўсайди. Матбуотда чоп этилган танқидий мақолага муносабат билдириш, фикр алмашиб бориш ҳолатлари йўқолганига анча бўлди.

Ўзбек журналистикасидаги ҳозирги ҳолат шундайки, ахборот истеъмолчилари сифатсиз ва совуқдан-совуқ хабарлар оқими-дан чарчади. Уларга сифатли, таҳлилий журналистика кўпроқ керак.

Сир эмаски, таҳлилий журналистиканинг энг катта мактаби матбуотда мавжуд. Унинг интернет журналистикасидан ўстунроқ жиҳатларидан бири ҳам шу. Ўзаро ҳамкорлиқнинг ҳозирги босқичи ачинарли аҳволда. Ўйлаймизки, рейтингда қуйи ўринларда турган матбуот котиблари бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим.

Яна бир гап. “Ўзбекистон овози” ҳам тез кунларда интернет аудиториясига кириб боришга тайёргарлик кўрмоқда. Айни пайтда зарур ходимлар ишга жалб этилиб, масъул гуруҳ шакллантирилмоқда. Демак, эндиликда, ҳафталиқ мулоқотларимиз кўнлик мулоқотларга, янаям тезкор ахборот алмашишга айланиб бораверади, ҳамкорлигимиз янгича шаклда ҳам давом эттирилади.

Тожтемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

- сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилади;

- участка сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилади;



- номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлайди;

- номзодларнинг ишончли вакиллари рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

2 МИНГ 96 НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛМА АНИҚЛАНДИ

“Ўзтрансгаз”

акциядорлик жамияти раҳбарияти иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Ҳисоботлар ўқиб эшиттирилди, режалар айтилди, ҳамкорликка чорланди.

Аммо, бир рақам мени ниҳоятда ўйлантириб қўйди. Республикамиз ҳудудидаги 13 минг 200 километр узунликдаги юқори босимли магистрал газ қувурлари орқали табиий газнинг жойларга етиб боришига жавобгар ташкилот бу – “Ўзтрансгаз”.

Ушбу магистрал газ қувурларни ишлатишда меъёрий шароитни таъминлаш ва қувурларга шикаст етказмаслик мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 69-моддасига асосан, магистрал газ қувурларининг атрофида ҳимоя майдонлари, шунингдек, қувур ётқизилган ҳудудда аҳоли пунктлари, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналари, иморат (турар жой ва нотурар жой бинолари) қурилиши аниқ белгиланган.

Унга кўра, газ қувуридан бино ва иншоотгача камида 25 метр бўлиши керак. Буни “хавфсиз масофа”, дейишади. Дарвоқе, қувурнинг ўтказувчанлик қобилияти ва диаметрига қараб, хавфсиз масофа 50, 100, ҳатто 350 метр ҳам бўлиши мумкин.

Бугенин мутасаддининг ўзидан эшитинг.

— Айни вақтда магистрал газ қувурларининг ҳимоя майдони (“хавфсиз масофа”) ҳудудида жами 2 минг 413 та қурилма мавжуд. Шундан, аҳоли хонадони – 2 минг 96 та, иссиқхона – 133 та, нотурар бино-иншоот – 56 та, АЁҚШ

– 4 та, хизмат кўрсатиш объекти – 91, фермер хўжаликларига тегишли бино – 33 тани ташкил этмоқда, – дейди биз билан суҳбатда “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти техника сиёсати бўлими бошлиғи Абдулахад Исоқжонов.


Бу рақамлар шунчаки даҳшат. Айниқса, 2 минг 96 та аҳоли хонадони магистрал газ қувури хавф зонасида жойлашгани фожиа. Афсуски, айрим статистикалар очик юритилмайди. Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, “Ўзбекнефтегаз” икки бўлинганидан кейин, яъни 2019 йилдан сўнг ўтган уч йил ичида ҳамон шундай муаммоларнинг бартараф этилмагани тушунарсиз. Ўтган уч йил ичида аҳоли хонадонидан ўтган магистрал газ қувуридан чиққан портлашлар натижасида нечта инсон вафот этди, жароҳатланди? Нега бу рақамлар айтилмайди? Мен, масалан, ўнга яқин шундай ҳолатларни биламан, ОАВ орқали ўқиб, кузатиб бораман. Ҳамон хавф ўчоқларининг сақланиб қолиши ва бу мингларча рақамлар эканлиги фавқулодда вазиятдир.

Матбуот анжуманида натижалар ҳақида ҳам айтилди. Бироқ, улар жуда кам, жуда ҳам оз. Лекин “Ўзтрансгаз” қатъий ва изчил ҳаракатда экан.

Яна бир гап. Фуқаролар билан судлашув – масалани тор доирада ҳал этишга ўриниш, менинг назаримда. Чунки, шундай ҳоллар борки, фуқаро уй қураётганда у ерда магистрал газ қувури бўлмаган.

Энг асосий масала, нефть, газ – давлатимизнинг табиий бойлиги бўлса, ҳар бир фуқаронинг соғлиги ва ҳаёти бебаҳо бойлиқдир. Магистрал газ қувурлари атрофидаги уйларни бузиш мавзусида гап борганда, шу жиҳатни унутмаслик керак.

Тоштемир Худойқулов,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



РАНГЛИ ПАКЕТЛАРГА СОЛИНГАН ЧИҚИНДИЛАР ТАБИАТНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА ҲИССА ҚўШАДИМИ?

Миллий матбуот марказида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан “Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги матбуот анжуманида маълум қилинишича, ҳар йили 7 миллион нафар инсон зарарли ов-ҳаво таъсирида ҳаётдан кўз юмар экан.

Хўш, бизда – Ўзбекистонда вазият қандай? Мамлакатимизда 2020 йилда атмосферага ташламалар миқдори 2,255 миллион тоннани ташкил қилиб, 2018 ва 2019 йилга нисбатан 7 фоизга (155,0 ва 150,0 минг тн) камайган. Айнан қанча инсон зарарли об-ҳаво таъсиридан вафот этишига доир очик статистика юритилмайди.

Ташланмаларнинг 1,3 миллион тоннаси (58 фоиз) транспорт воситалари ҳамда 924,0 минг тоннаси (42 фоиз) саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. Республикамизда амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамадан мамлакат бўйича чанг-газ тозалаш ускуналарининг носозлиги туфайли йилига 135,3 минг тонна ифлослантирувчи моддалар атмосферага тозаланмасдан ташланмоқда.

Шу сабабли 2023 йил якунига қадар республика бўйича ишлаб чиқариш корхоналарида

белгиланган талаблар асосида замонавий чанг-газ тутгичлари ўрнатиш ишларини амалга ошириш бўйича 53 та йирик ишлаб чиқариш объектида модернизация жараёни режалаштирилган. Хусусан, жорий йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикасида 1 та, Қашқадарёда 1 та, Фарғонада 1 та ва Тошкент вилоятида 2 та корхонада жами 37 та чанг-газларни тутиб қолиш ускунаси янгиланади.

— Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда аҳоли хонадонларида ҳосил бўлган қаттиқ маиший чиқиндилар контейнерларга аралаш ҳолда ташланмоқда, — дейди Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ташкил этиш бoshқармаси бошлиғи Умаржон Абдуллаев. — Ушбу чиқиндилар таркибидаги иккиламчи хомашё қийматига эга бўлган (полиэтилен, қоғоз, металл, шиша) ресурслар ҳамда хавфли маиший чиқиндилар (аккумуляторлар, батареякалар, тиббиёт чиқиндилари ва бошқалар) маиший чиқинди полигонларига тўғридан-тўғри


жойлаштирилмоқда...

Вазиятдан чиқиш учун янги тизим синовдан ўтказилмоқда: пойтахтнинг ҳар бир туманидаги иккита – жами 24 та маҳаллада чиқиндиларни саралаб йиғиш тажриба тизими жорий этилди.

Янги тизим қандай бўлади? Дастлаб аҳолига рангли елим халта (пакет) тарқатилади. Сариқ пакетлар – қайта ишланадиган чиқиндилар (қоғоз ва пластик), яшил пакетлар – органик чиқиндилар (озик-овқат қолдиқлари, барглар, ўтлар), кулранг пакетлар эса қайта ишланмайдиган чиқиндилар (оёқ кийимлари, салфеткалар, памперслар) учун мўлжалланган.

Маиший чиқиндиларни шундай тартибда йиғиштириб олиб кетиш орқали инсоннинг табиатга зарар етказиш миқдори кескин камаяди. Матбуот анжумани давомида тизимга давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини кенг жорий этиш орқали маҳаллаларни санитар-тозалаш хизматлари билан 100 фоиз қамраб олиш режалаштирилаётгани айтилди.

Тоштемир МУРОД



Биласизми?

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА болалар нафақаси жорий этилади



Қонунчиликка кўра, 2021 йил 1 сентябрдан:

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилади.

Болалар нафақасини тайинлашда:

✦ инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилади;
✦ тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилади;
✦ унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби қўлланилади.

Болалар нафақасининг ҳар ойлик миқдори:

✦ 250 000 сўм – 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган битта фарзанди учун, 325 000 сўм – ёши 3 ёшгача бўлган битта кичик фарзанди учун;

✦ 150 000 сўм – оиланинг иккинчи фарзанди учун қўшимча;

✦ 100 000 сўмдан – оиланинг учинчи ва ундан кейинги ҳар бир фарзанди учун.

Якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланади.

Моддий ёрдамнинг ойлик миқдори – 380 000 сўм.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИДА неча кун дам оламиз?



Президент Фармонига кўра, Мустақиллик байрами кунлари иш ҳафтасининг туридан қатъи назар барча ходимлар 5 кун дам олади.

Хусусан:

✦ 1 сентябрь (chorshanba) – Мустақиллик байрами куну;

✦ 2 сентябрь (пайшанба) – қўшимча дам олиш куну;

✦ 3 сентябрь (жума) – қўшимча дам олиш куну;

✦ 4 сентябрь (шанба) – дам олиш куну (барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан қатъи назар);

✦ 5 сентябрь (якшанба) – дам олиш куну.

КАМБАҒАЛ ВА ИШСИЗ фуқароларга имтиёзлар белгиланган

Камбағал ва ишсиз фуқароларни тadbиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш юзасидан қуйидаги имтиёзлар берилган:

— тadbиркорларга иш ўринлари ва шароитларини ногиронлиги бўлган шахсларга мослаштириш учун ҳар бир мослаштирилаётган иш жойи учун БҲМ нинг 40 баравари (9 млн 800 минг сўм) миқдоригача;

— тadbиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тadbиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови;

— хунармандларнинг “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади.

Адлия вазирлигининг “Huquqiy axborot” канали.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ

– сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик қилиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

– сайловчилар рўйхатларининг тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

– сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади.



@electionsuz

Ойлик, пенсия ошгани яхши, аммо БХМчи?..



2021 йил 1

сентябрдан иш ҳақи,
пенсия ва нафақалар
миқдори ошиши ҳақида
хабар байрам арафасида
барча фуқароларнинг
кайфиятини кўтарди.

Шу билан бирга, базавий
ҳисоблаш миқдори
ўзгаргани эса бироз
ўйлантирадиган масала.
Чунки бу жарималар,
хусусан, йўл ҳаракати
қоидаларини бузганлик учун
жарималар миқдори ҳам
кўтарилишига олиб келади.

Базавий ҳисоблаш миқдори бундан аввал
шу йил февраль ойида (245 мингдан) ўзгар-
ганди. Унга асосан жарималар, хусусан, йўл
ҳаракати қоидаларини бузганлик учун тегишли
тартибда жарималар миқдори ҳам ошганди.

Ойлик оширилиши билан бир вақтда
базавий ҳисоблаш миқдори ва тўланади-
ган жарималар ҳажми ошиши жамоатчилик
орасида айрим фикрларга сабаб бўляпти.
Хусусан, "ойлиқлар билан бир пайтда жари-
малар ҳам, нарх-наво ҳам ошса, бу тарзда
ўзгаришдан нима фойда?", деган мазмунда
саволлар ҳам берилмоқда. Ўйлаб кўрсак, бу
савол ва фикрларда асос йўқ эмас.

Зарур иш стажига эга бўлмаган кекса
ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга
бериладиган нафақа 440 минг сўм. Маши-
нада светофорнинг қизил чироғидан ўтиб
кетилса, 540 минг сўм, машинани белгилан-

маган жойга қўйса ҳам 540 минг сўм жарима
тўланади.

Тўғри, базавий ҳисоблаш миқдори давлат
мукофотлари, унвонлар, эсдалик нишонлар
учун назарда тутилган мукофот миқдорла-
рини, озиқ-овқат, йўлқира учун харажат-
лар қийматини қоплаш, ободонлаштириш
ходимларининг озиқ-овқати БХМнинг бир
баравари миқдорида компенсациялар миқ-
дорини белгилашда ҳам қўлланилади. Лекин
фуқароларнинг қанча қисми ёки неча фоизи
бундан фойдаланади?

БХМнинг ошиши тор доирадаги қатламга
манфаатли бўлиши мумкин, аммо жарималар
ва бошқа миқдорларнинг ошиши барчага
бирдек қийинчилик туғдириши мумкин.

Иш ҳақи меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг
кам миқдоридан, пенсия ва нафақаларнинг
энг кам миқдори эса минимал истеъмол ха-
ражатидан келиб чиқиб белгиланса, унда
базавий ҳисоблаш миқдорини ошириш за-
рурмикан?..

Коронавирус пандемияси шароитида аҳо-
лининг даромадлари камайиб кетган, қун-
далиқ эҳтиёжларини қоплашга етмай турган
бир пайтда жарималар миқдорининг ошири-
лиши жамиятда ночор қатламнинг кўпайи-
шига олиб келиши мумкин. Фуқароларнинг
иқтисодий ҳолати, ижтимоий кайфияти жа-
рималар миқдори ошишига тайёр эмас.

Шунинг учун ойлик, нафақа ва пенсия-
лар миқдорини оширганда, тегишли мута-
хассис ва мутасаддилар БХМни кўтариш
масаласини ҳар томонлама таҳлил қилиб
кўриши мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳи-
соблаймиз.

Халқ демократик партияси
Ахборот хизмати.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни
сайлов комиссиялари очик ва ошкора амалга оширади.

ЭНДИ ЧИРОҚ ЎЧИШИ КАМАЯДИ

Чирчиқда йигирманчи станция ишга тушади

**"Ўзбекгидроэнерго"
акциядорлик жамияти
фойдаланишга
топширилиши
режалаштирилаётган
"Камолот" гидроэлектр
станциясига медиа-тур
уюштирди.**

— Чирчиқ шаҳрида барпо этилаётган
"Камолот" гидроэлектр станциясининг ку-
рилиш ишлари Президентимизнинг 2018
йил 4 январдаги қарори ижроси доирасида
амалга оширилмоқда, — дейди "Чирчиқ ГЭС-
лар каскади" унитар корхонаси директори
Абдурасул Шодмонов. — Мазкур лойиҳанинг

умумий қиймати 22,6 миллион АҚШ доллари
бўлиб, қуввати соатига 8,6 МВтни ташкил
этади. Бу ГЭС Чирчиқ-Бўзсув трактидаги
20-гидроэлектр станцияси ҳисобланади.


Аслида, янги ГЭСнинг барпо этилиши,
яъни, геодезия ишлари ўтган асрнинг 40-йил-
ларида амалга оширилган ва ҳисоб-китоб
қилинган. Лекин айрим сабаблар кўра қолиб
кетган. "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик
жамияти ташкил этилгани ва "Гидропроект"
АЖда тўпланган тажриба шу лойиҳани яқун-
лашга пухта замин яратди.

Мазкур лойиҳани аввалгиси билан
таққослаганда, ўша босим ва сатҳ сақланган.
Лекин олдингисида битта 8 мегаватт ёки ик-
кита 4 мегаваттдан иборат гидроагрегат ўр-
натилиши кўзда тутилган эди. "Гидропроект"
АЖ томонидан бу яна қайта ўрганиб чиқилиб,
мунтазам ишлаши ҳисоб-китоб қилинган ҳол-
да 4 та капсула типидagi гидроагрегат ўрна-
тилиши лозим, деб топилди.

Ушбу ГЭСга Марказий Осиёда биринчи
бўлиб капсула типидagi гидроагрегат ўрна-
тилди. Германияда ишлаб чиқарилган ускуна-
ларнинг афзаллиги шундаки, улар кичик бо-
симда ҳам етарли қувват олади. Кичик ГЭСга
ўрнатилган янги технологиялар эса инсон
омилисиз, яъни масофадан туриб бошқариш
имконини беради. Айни вақтда гидроэлектр
станциясида асосий қурилиш ишлари якуни-
га етказилган бўлиб, монтаж-созлаш ишлари
амалга оширилмоқда.

Тоштемир худойқулов,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

**ФАКТ: 2017 ЙИЛГАЧА
ЖАМИ 36 ТА ГЭС
ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА
ҚЎЙИЛГАН БЎЛСА, 2021
ЙИЛДА УЛАР СЕНИ 49
ТАГА ЕТКАЗИЛДИ. ЯҚИН
КУНЛАРДА "ЗАРЧОБ-2"
ВА "КАМОЛОТ" ГЭСИ
ИШГА ТУШИРИЛГАН,
РЕСПУБЛИКАМИЗДА
ГИДРОЭЛЕКТР
СТАНЦИЯЛАР СЕНИ 51
ТАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.**



ХОДИМЛАРГА ДАВЛАТ ТИЛИНИ МУҚАММАЛ БИЛИШ ТАЛАБИ ҚЎЙИЛАДИ

**Миллий матбуот марказида
Ўзбекистон Техник жиҳатдан
тартибга солиш агентлиги
томонидан тизимда маънавий-
маърифий ишлар самарадорлигини
ошириш, "Давлат тили
тўғрисида"ги қонунга риоя
этилишини таъминлаш масалалари
бўйича 2021 йилнинг 1-ярмида
амалга оширилган ишлар
таҳлилига бағишланган матбуот
анжумани ўтказилди.**

Матбуот анжуманида, агентлик
ва тизим ташкилотларида
маънавий-маърифий ишлар
самарадорлигини ошириш
борасидаги ишларни кучайтириш
мақсадида "Давлат тили
тўғрисида"ги Қонунга риоя этилиши
бўйича вақтинчалик эксперт

гуруҳи ташкил этилгани ҳақида
ахборот берилди. Шунингдек,
стандартлаштириш соҳасидаги
ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни
халқаро стандартлар билан
янгилаш, стандартларни давлат
тилига таржима қилиш ишларини
жадаллаштириш ва 2022 йил 31

декабрғача яқунлаш вазифаси
белгилангани ҳам қайд этилди.

Бундан ташқари, жорий
йилнинг ўтган 6 ойи давомида
агентлик тизимидаги "UzTEST"
давлат унитар корхонаси
томонидан 9 минг 276 та синов
баённомаси ҳамда иш юритишдаги
барча ҳужжатларнинг давлат
тилида расмийлаштирилишига
эришилган. 297 минг 43 донга
ўлчаш воситалари метрологик
текширувдан ўтказилиб, давлат
тилида хулоса берилган. Юридик
ва жисмоний шахсларнинг 114
минг 248 та муносабатига асосан
электр энергияси, газ, ичимлик
ва иссиқ сувни ҳисобга олиш
ускуналарини қиёслаш ишлари
амалга оширилиб, давлат тилида
ҳисоблагичлар сертификатлари
ҳам берилган.

Маълумот ўрнида яна шунинг
айтиш мумкинки, мувофиқликни
баҳолаш соҳасида хизматларни
тўлиқ автоматлаштиришни
назарда тутувчи комплекс ахборот



тизимини амалиётга жорий
қилиш ишлари олиб борилиши
натijasида барча сертификат,
гувоҳнома ва баённомалар
давлат тилида лотин ёзувида
асосланган ўзбек алифбосида
тақдим этилмоқда. Қолаверса,
Стандартлар институти томонидан
14 та давлат стандарти ишлаб
чиқилиб, 756 та халқаро стандарт
давлат тилига таржима қилинган.

— Бугунги кунда
агентлигимизда 75 нафар ходим
фаолият олиб боради, — дейди
Техник жиҳатдан тартибга солиш
агентлиги бош директорининг
маънавий-маърифий ишлар
самарадорлигини ошириш ва
давлат тили тўғрисидаги қонун
ҳужжатларига риоя этилишини
таъминлаш бўйича маслаҳатчиси
Ноибхон Мамадалиева. —
Улар орасида бошқа миллат
вакиллари ҳам бор. Ходимлар
учун агентликда давлат тилини
муқаммал ўрганиши, давлат тили
лотин алифбосида фаолият олиб
бориши учун барча қулайлик
яратилган. Қўшимча қилиб

яна шунинг айтишим мумкинки,
агентлигимизда асосан ёшлар
фаолият олиб бораётганлиги
сабабли, ҳозир лотин алифбосида
фаолият кўрсата олмаслик каби
ҳолатлар деярли йўқ. Бундан
ташқари, агентлик ва унинг
тизимидаги ташкилотларнинг
ташқи ёзувлари, буйруқ ва чиқиш
хатлари бланклари, расмий
веб сайтлари лотин ёзувида
асосланган ўзбек алифбосида
юртилмоқда.

Шунингдек, матбуот
анжуманида "Давлат тили
тўғрисида"ги Қонунга риоя
этилиши борасида малака ошириш
курсларига агентликдан 55
нафар ходим тавсия қилингани
ва бугунгача 31 нафар ходим
малака оширгани, расмий
бирга эндиликда агентликка ишга
кирувчи ходимларга давлат тилини
муқаммал билиши билан бирга,
иш фаолиятини лотин алифбосида
олиб бориш талаби қўйилгани
тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Тоштемир МУРОД

МУЛОҲАЗА

Ижро бюросида ишлардим.
қарздор хонадонлардан бирига
бордик. Ғарибгина хонада
кичкина қизалоқ телевизорда
мультифильм кўриб ўтирарди.

Биз ўша телевизорни ҳам
мусодара қилишимиз керак...

Телевизорни ўчирётганимда
қизалоқнинг кўзларида кўзим
тушди...

Ўша кунгача бу ишдан
бўшадим...



Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

МАНЗИЛЛАРГА ЭЛТАР РАВОН ЙЎЛЛАР

Халқимизда
“Йўл қурган элда
азиз”, деган гап
бор. Эътибор
берган бўлсангиз,
ёши улғ
кексаларимизнинг
“Йўлда одамларга
халақит берадиган
тош, чўп ёки
шунга ўхшаш
нарсаларни четга
олиб қўйиш
савоб”, деган
гапларини ҳам кўп
бора эшитганмиз.
Айтиш керакки,
бунда катта
ҳикмат бор. Чунки,
йўллар бизни
манзилларга
етказади.



— Йўл ободлиги юрт ободлигининг ҳам бир ифодаси, — дейди Беруний тумани ҳокими Отабек Сапарбаев. — Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида шаҳару қишлоқларимиздаги йўлларнинг текислигига, уларни замон талаблари даражасида кўринишига катта эътибор берилаётир. Зеро, йўлларда халқимиз учун қулайликлар яратиш билан бирга буюк бунёдкорлик ишларининг бекиёс аҳамияти ҳам яққол намоён бўлмоқда. Президентимизнинг йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга оид фармони соҳага ёндашувни тубдан ўзгартиришга асос бўлди. Автомобиль йўлларини қуриш, йўл ҳўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга замин яратди. Беруний туманида ҳам ушбу ҳўжат асосида кейинги йилларда кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Янги йўллар барпо қилиш, мавжудларини таъмирлаш, обод этиш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Туман ҳокимининг маълум қилишича, Беруний туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан амалга оширилаётган ишлар эътирофга сазовор бўлиб, белгиланган вазифалар ўз вақтида бажариб келинмоқда. Биз ҳам ушбу корхона фаолияти билан яқиндан танишганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик.

Корхона раҳбари Азамат Ходжаев ёш, изланувчан раҳбар экан. Шу туманда туғилиб ўсган Азаматжон 2004 йилда Тошкент автомобиль йўллар институтини тамомлаб, Беруний тумани йўллардан фойдаланиш корхонасида компьютер техника ходими бўлиб фаолият бошлаган. 16 йиллик фаолияти давомида турли лавозимларда ишлаб, етарлича тажриба тўплаган. 2019 йилдан буён биз сўз юритаётган корхона раҳбари бўлиб ишлаб келмоқда.

— Корхонамизда ишларни ўз вақтида ва самарали ташкил этишга доимо эътибор қаратамиз, — дейди Азамат Ходжаев. — Мақтанишга йўймангу, тумандаги ҳар бир йўл мен учун яхши таниш, қолаверса, соҳадаги ҳар бир йўналишдан хабардорман. Энг асосийси, ишни режалаштирган ҳолда ва қатъий тартиб асосида йўлга қўйганимиз ўз натижасини бермоқда. Масалан, ўтган 2020 йилда Беруний шаҳридаги “Кат” кўчасини реконструкция қилишга ажратилган маблағ эвазига текис ва равон йўл фойдаланишга топширилди. Тумандаги ички ҳўжалик йўлларини таъмирлаш борасида ҳам яхши натижаларга эришдик.

Корхона томонидан 2021 йилда режалаштирилган ишлар билан яқиндан танишганимизда, жорий йилда ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ

» ЯНГИДАН
ЯНГИ ХАЛҚАРО
МИКЁСДАГИ
МАГИСТРАЛ
ЙЎЛЛАРНИНГ
ҚУРИЛИШИ ҚЎШНИ
ДАВЛАТЛАР БИЛАН
ТРАНЗИТ ВА САВДО
АЛОҚАЛАРИНИ
МУСТАҲКАМЛАСА,
ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН
ЁКИ ТАЪМИРДАН
ЧИҚАРИЛАЁТГАН
ИЧКИ ЙЎЛЛАР
ХАЛҚИМИЗНИНГ
УЗОҒИНИ ЯҚИН
ҚИЛМОҚДА,
ШАҲАР ВА
ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ
ҚИЁФАСИ ЯНАДА
ЧИРОЙ ОЧМОҚДА.

бўлди. Корхона тасарруфидаги умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Беруний тумани бўйича 53,610 километр масофадаги ички ҳўжалик йўлларини таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, аниқ жадвал асосида дастурга киритилган овул ва маҳалла фуқаролари йиғинлари ҳудудларида асфальт, қум-шағал аралашмаси ётқизилмоқда. Муса Егжимов,

Мамлакатимизда бугунги кунда транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда. Йўл-транспорт инфратузилмаси замон талаблари даражасида ривожланиши иқтисодиётимиз тараққиётида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Янгида янги халқаро миқёсдаги магистрал йўлларнинг қурилиши қўшни давлатлар билан транзит ва савдо алоқаларини



Ғафур Абдуллаев, Юсупбой Бекмуратов, Ўқтам Йўлдошев, Илҳом Авезов, Яхшибой Кареев, Ҳайитбой Саъдуллаев, Қутлимурот Абилов, Ўринбой Авезов каби йўл устаси ишчи-ҳодимлар қурилиш-таъмирлаш ишларида жонбозлик кўрсатмоқда.

— Йўллардан нафақат биз, балки келгуси авлодларимиз ҳам фойдаланишини назарда тутсак, йўлларни асраб-авайлашнинг аҳамиятини янада теранроқ англаймиз, — дейди Азамат Ходжаев. —

мустаҳкамласа, янги қурилаётган ёки таъмирдан чиқарилаётган ички йўллар халқимизнинг узоғини яқин қилмоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси янада чирой очмоқда.

Чиндан ҳам шундай. Бир ўйлаб кўринг-а: йўллар текис ва равон бўлса, кайфиятингиз чоғ бўлади, хавотирга тушмайсиз, кўзлаган манзилнингизга хотиржам борасиз. Озод ва обод юртимизда ана шундай равон йўллар кўпаяверсин.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.

ЕРГА ОИД ҚОНУНЧИЛИКНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

Манба: ЎРҚ-708-сон, 16.08.2021 й. @huquqiyaxborot

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга киритилган ўзгаришга кўра, халқ депутатлари Кенгаши ҳўжатлари устидан судга шикоят қилиш ва прокурор протест келтириши мумкинлиги белгиланди


Сўғориладиган ерни қурилиш қилиб ўзбошимчилик билан эгаллаб олганлик учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик (2 йилдан 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш) ўрнатилди

Сўғориладиган ерни сотиш ёки уни қонунга хилоф тарзда ўзгага бериш учун жавобгарлик белгиланди

Ушбу ҳаракатлар оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилса, 8-10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо чораси қўлланилади



Қонун билан ерга оид қонунчиликни бузганлик учун **маъмурий ва жиноий** жавобгарликлар кучайтирилди




Ер кодексига вилоят ҳокимларининг қишлоқ ҳўжалик эҳтиёжлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун эғалик қилишга, фойдаланишга ва ижарага ер бериш ваколати бекор қилиниб, **ҳокимлар фақат ерни ижарага бериш бўйича танлов якунларини тасдиқлаши** мумкин



Вилоят ҳокимларининг ерга оид қарор лойиҳалари **ҳудудий адлия органлари томонидан ҳўқуқий экспертизадан ўтказилиши** шарт

Туман ҳокимларининг ерни ижарага бериш ҳўқуқи чекланиб, қуйдаги ерларни ижарага бериш шартномаси туман ҳокимлиги билан тузилади:



Ҳўкумат томонидан илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларига, агросаноат кластерларига, инвесторларга берилган ерлар

вилоят ҳокимининг электрон танлов натижаларини тасдиқлашга оид қарори асосида ажратилган ерлар

электрон аукцион асосида берилган ерлар

хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар, халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига Ҳўкумат томонидан ажратилган ерлар.



Реклама ҳўқуқи асосида.

25-avgust, chorshanba, 2021-yil
№32-33 (32675)ФАОЛЛАР
РАФБАТЛАНТИРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
30 ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ
ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИШ
БОРАСИДА ЖОЙЛАРДА ҚИЗГИН
ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ОЛИБ
БОРИЛМОҚДА.

ХУСУСАН, БАРЧА ЖОЙЛАРДА
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН
ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!”
ҲОЯСИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ
ЭТГАН ТАШКИЛИЙ-АМАЛИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ҲАМДА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ
ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА
ОШИРИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН,
ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОМОНИДАН
ҲАМ ЖОЙЛАРДА “ВАТАНИМ –
ФАХРИМ!” ШИОРИ ОСТИДАГИ
БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ
КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТКАЗИБ
БОРИЛМОҚДА.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАРҒОНА
ШАҲАР ТАШКИЛОТИНИНГ ЭНГ
ЙИРИК БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ
ТАШКИЛОТИ ХИСОБЛАНГАН
“ФАРҒОНААЪЗОТ” АЖ
ҚОШИДАГИ ПАРТИЯ БПТ ЎЗИДА
2000 ДАН ЗИЁД ФАОЛ АЪЗОНИ
ЖАМЛАГАН.

МАЗКУР БПТДАГИ КЎП
ЙИЛЛИК ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИ
ҚАДРЛАШ, УЛАРНИ ҚўЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ ҲАМДА
МУНОСИБ РАФБАТЛАНТИРИШ,
ФАОЛ ЁШЛАРДАН ИБОРАТ
“ИСТИҚБОЛ” ЁШЛАР
ҚАНОТИ ФАОЛЛАРИНИНГ
ТАКЛИФ ВА ҲОЯЛАРИНИ
ЭШИТИШ, ПАРТИЯМИЗ
ЭЛЕКТОРАТИ БЎЛГАН ИШЧИ-
ХОДИМЛАРНИНГ МУАММО ВА
ТАКЛИФЛАРИНИ ЎРГАНИШ
МАҚСАДИДА “ФАРҒОНААЪЗОТ”
АЖ ҚОШИДАГИ БПТДА БИР
ГУРУҲ ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ
БИЛАН УЧРАШУВ ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ.

УЧРАШУВДА СЎЗ ОЛГАН
ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФАРҒОНА
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ РАИСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ
КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ
З.ЗОҲИДОВ, ФАРҒОНА
ШАҲАР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ
РАИСИ А.УМАРОВ ҲАМДА
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ
ҚўШТЕПА ТУМАН КЕНГАШИ
ДЕПУТАТИ, БПТ АЪЗОСИ
А.НАБИЕВЛАР ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”
ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИГА
БЕРГАН ИНТЕРВЬЮЛАРИ
ҲАҚИДА ТЎХТАЛИБ, УНДА
ИЛГАРИ СУРИЛГАН ҲОЯ
ВА МАҚСАДЛАР ХУСУСИДА
ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ
БИЛДИРДИЛАР.

УЧРАШУВ ЎЗАРО МУЛОҚОТ
ШАКЛИДА ЎТКАЗИЛИБ, ТАДБИР
ЯКУНИДА БИР ГУРУҲ ПАРТИЯ
ФАОЛЛАРИ ҚИММАТБАҲО
СОВҒАЛАР БИЛАН
ТАҚДИРЛАНДИ.

Шоҳрух ЎКТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона
вилоят Кенгаши раиси
Ўринбосари,
Ёшлар парламенти
аъзоси.

Мамлакатимиз
тараққиётининг янги
босқичида оилавий
тадбиркорликни
ривожлантиришга ҳам
катта эътибор берилмоқда.
Бу жараёнда, айниқса,
аҳолининг томорқадан унумли
фойдаланишини қўллаб-
қувватлаш борасида амалга
оширилаётган ишлар таҳсинга
лойиқ. Хизмат сафари
билан Қорақалпоғистон
Республикасида
бўлганимизда томорқадан
унумли фойдаланиб, оиласи
фаровонлиги, бозорларимиз
тўкинлигига муносиб ҳисса
қўшаётган юртдошларимиз
кўплигига ишонч ҳосил
қилдик.



ШУКУРЖОН ОПАНИНГ ШУКРОНАСИ

Хусусан, Эллиққаъла туманидаги “Бургутликаъла” маҳалласида истиқомат қилувчи Шукуржон опа Саманова ана шулардан бири бўлиб, у қирқ сотих ерда иссиқхона ташкил этган ҳолда оиласи фаровонлигини таъминлаб келмоқда. Айниқса, бодринг, помидор, булғор қалампири каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан яхши ҳосил ва даромад олмақда. Мўъжазгина бу иссиқхонада лимон, мандарин,

пайтда мевали дарахтларнинг 100 дан, узумнинг эса 10 дан ортиқ нави бор бўлиб, ҳаммаси ҳосил бермоқда.

— Узумчилик ривожига ҳам янада катта эътибор берилмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Бундан биз ҳам жуда хурсанд бўлдик. Бу йил баҳордан бошлаб узумнинг яна янги навларини эмкоқчимиз. Фарғона, Сурхондарё вилоятларига бориб, таж-

риба алмашиб келиш ниятимиз бор. Айни кунларда боғимизда етиштирилган сара маҳсулотларни бозорга, савдо дўконларига олиб чиқиб, юртдошларимизнинг дастурхонига тортиқ қиляпмиз. Турмуш ўртоғим қишлоқ хўжалиги бўйича олий маълумотли мутахассис бўлганликлари учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида олиб борамиз.

Шукуржон опа фақат иссиқхона ёки боғ барпо қилиш билан чекланиб қолмасдан, хонадонида паррандачиликни ҳам йўлга қўйган. Товуқ, курка кўпайтириб, оиланинг тухум ва парранда гўштига бўлган эҳтиёжини қондиришдан ташқари, бозорга ҳам чиқариб, яхшигина даромад олишмоқда экан.

— Худога шукр, меҳнат қилиб кам бўлмаяпмиз, — дейди опа. — Меҳнатимиз орқасидан рўзгоримизни бут қилиб, фарзандларни ҳеч қимдан кам қилмай ўстирдик; уй-жойли қилдик. Ўзимиздан ортганда маҳалла-қўйга ҳам ёрдам берамиз, кам таъминлаган оилаларга маҳсулотларимизни берамиз. Худога шукр, турмуш ўртоғим, фарзандларим мени ҳар доим қўллаб-қувватлашади, энг асосийси, меҳнатдан қочишмайди. Ўзим ҳам болаликдан меҳнат қилиб ўлғайдим. Отам Ражаббой Саманов узок йиллар хўжаликда бош ҳисобчи бўлиб ишлаганлар. Қишлоқ хўжалигини жуда яхши билардилар. Отажоним Авазжон опа билан боғ-роғлар барпо қилиб, чорвачиликни ҳам йўлга қўйиб, оиламизни фаровон қилган. Аноргул, Дилбар опамлар, Искандар, Йўлдошбой акамлар ва мен доим уларнинг ёнларида эдик. Ёшлигимиздан суягимиз меҳнатда қотди, ота-онамиз бизни ҳалол меҳнати билан тарбиялаб вояга етказишди. Камтарин, бир сўзли бу инсонлар эл-юртнинг ҳам дуосини олишган эди. Бугунги кунда бизга ҳам шундай бахт насиб этганидан жуда хурсандман.

Шукуржон опанинг гапларида жон бор. Опа турмуш ўртоғи Бозорбой ака билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб вояга етказишди. Саидахон ўқитувчи, Ойбек, Отабек, Улуғбек тадбиркор. 15 нафар набиранинг бобо-момоси бўлган бу инсонларнинг келгусидаги режалари ҳам катта. Улар озиқ-овқат супермаркетини куриб, ўзларида етиштирилган маҳсулотларни арзон нархларда юртдошларимизга етказишни ният қилган. Уларнинг ниятлари ижобат бўлишини тилаб қоламиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



апельсин кўчатлари ҳам экилган.

— Мана шу томорқага меҳр бериб, меҳнат қилиб кам бўлмаяпмиз, — дейди Шукуржон опа самимийлик билан. — Рўзгор учун бирон бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотини излаб бозорга бориб юрмаймиз, ҳаммаси ўзимиздан чиқади. Турмуш ўртоғим, фарзандларим, келинларим, невараларим — ҳаммамиз аҳилликда меҳнат қиламиз. Бунинг натижасини эса кўриб турибсиз. Мана шу иссиқхонани юритиб ҳеч қимдан кам бўлмаяпмиз.

Шукуржон опа бизни ўзлари барпо қилган ва парваришлаётган боққа ҳам олиб борди. Опанинг айтишича, бу боғнинг ташкил қилинганига қирқ йилдан ортиқ вақт бўлган, лекин ҳар йили янги кўчатлар ўтказилмоқда. Бунинг натижасида эса боғда йилдан-йилга ҳосил яхши берадиган дарахтлар кўпаймоқда. Айни



Реклама хукуки асосида.

“
ШУКУРЖОН ОПА ФАҚАТ
ИССИҚХОНА ЁКИ БОҒ
БАРПО ҚИЛИШ БИЛАН
ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАСДАН,
ХОНАДОНИДА
ПАРРАНДАЧИЛИКНИ
ҲАМ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН.
ТОВУҚ, КУРКА
КЎПАЙТИРИБ,
ОИЛАНИНГ ТУХУМ ВА
ПАРРАНДА ГЎШТИГА
БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ
ҚОНДИРИШДАН
ТАШҚАРИ, БОЗОРГА
ҲАМ ЧИҚАРИБ,
ЯХШИГИНА ДАРОМАД
ОЛИШМОҚДА ЭКАН.



Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.


24 O'ZBEKISTON
OKTABR 2021-YIL PREZIDENTI
SAYLOVI

25-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№32-33 (32675)



«URGANCH YOG'- MOY» A.J акциядорлик жамияти жамоаси

эзгу ниятлар йўлида дадил қадам
ташлаётган юртимиз аҳлини
Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги
билан самимий қутлайди!



«URGANCH CLASTER» жамоаси

меҳнатсевар Ўзбекистон халқини
энг улуғ, энг азиз байрам -
жонажон Ватанимиз
Мустақиллигининг
30 йиллик айёми билан
қизғин қутлайди!



Реклама ҳуқуқи асосида.

24

O'ZBEKISTON PREZIDENTI OKTABR 2021-YIL SAYLOVI

25-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№32-33 (32675)

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунининг саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” жамоаси
барча юртдошларимизни
Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги билан
самимий муборакбод этади!



Байрам муносабати билан

“ЖОЗИБА”

жамғармали омонатини таклиф этади

Омонат муддати 13 ой
Йиллик фоиз ставкаси 21
Омонат фоиз тўловлари ҳар ойда

www.qqb.uz

t.me/qqbank

78 150 00 55

1254

Хизматлар лицензияланган.

HGT HUDUDGAZ XORAZM
GAZ TA'MINOTI FILIALI

«HUDUDGAZ XORAZM» gaz ta'minoti filiali jamoadasi

халқимизни, газ соҳаси
ҳодимларини она Ватанимиз
Истиқлолнинг 30 йиллиги
билан табриклайди!



Реклама ҳуқуқи асосида.

O'zbekiston ovozi

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Bunyodkor ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 841. 20283 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:45.

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига
ўтиш учун QR-кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Toshtemir XUDOYQULOV